Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 30 декабрь, № 280-281 (8060-8061) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 14 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда тўққизинчи қисмининг 1-бандидаги** «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимни ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ушбу Кодекс билан тартибга солинади»;

3) **59-модданинг биринчи қисми 1-бандининг биринчи хатбошисидаги** “муассасалари” деган сўз “ташкилотлари” деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **75-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва солиқ имтиёзларининг ҳар бир турига махсус идентификация кодини берган ҳолда амалга оширилади»;

(Давоми 2, 3, 4, 5-бетларда).

Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистонда вақт ҳам янгича оқимда кечаётгандек, гўё. Тугаб бораётган йилнинг ўзиёқ шунчалик муҳим воқеаларга бой бўлдики, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларни бутунлай ўзгартириб юборди — унинг салоҳияти нақадар улканлигини, ўз севимли Ватанини гуллаб-яшнаган диёрга айлантиришдек ягона мақсад атрофида бирлашган меҳнаткаш халқи эса қанчалик юксак марраларни эгаллашга қодир эканини бутун дунёга намойиш этди.

Бундай ўзгаришлар мамлакатимизни ўрганаётган халқаро экспертлар, таҳлилчию мутахассисларнинггина эмас, бу ерга турли ўлкалардан келиб, нафақат буюк тарихий мерос, балки айни замондаги беқиёс ислоҳотларни ўз кўзлари билан кўраётган минглаб саёҳатчиларнинг ҳам эътирофига, ҳайрат ва ҳавасига сазовор бўлмоқда. Энг муҳими, турмушимизни фаровон қилиш мақсадида амалга оширилаётган мазкур буюк янгиланишлар халқимизнинг дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирмоқда, ҳаётдан рози бўлиб яшашимизда муҳим омил бўлаётир. Қисқача айтганда, учинчи Ренессанс даврининг тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

8

Муносабат

БИР ДОЛЛАРЛИК ХОМ АШЁДАН ЎН ДОЛЛАРЛИК ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЯРАТИЛАДИ

Охирги йилларда юртимиз ҳар томонлама янгиланмоқда. Буни аҳоли ҳаёти тобора фаровонлашаётгани, шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик ишлари юқори суръатларда давом эттирилаётгани, йирик лойиҳалар ишга туширилаётгани ва гигант корхоналар очилаётгани мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Хусусан, яқинда очилиш маросими юқори савияда ўтказилган Ғузордаги “Uzbekistan GTL” заводи ана шулардан бири. Бундай корхоналар дунёнинг фақат 4 та давлатида борлиги ҳам унинг нечоғли ноёблигидан далолатдир.

Ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу заводнинг имкониятлари, қанча кишилар иш билан таъминланиши ва унинг бошқа соҳалар ривожига, пировардида Ўзбекистон иқтисодий равнақига қандай таъсир кўрсатиши нафақат маҳаллий, балки чет эл оммавий ахборот воситалари орқали ҳам батафсил ёритилди. Шу боис биз бу корхона ҳақида эмас, балки унинг очилиш маросимида Президентимиз томонидан қурилишига старт берилган Шўртан газкимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини 3 баробарга оширишга йўналтириладиган лойиҳа хусусида тўхталмоқчимиз.

Дастлаб лойиҳа қийматига эътибор қаратсак. Унга сарфланадиган маблағ 1 миллиард 800 миллион доллар бўлиб, шунинг ўзиёқ унинг қанчалик салоҳиятга эга бўлишини англатади. Бу ерда 430 минг тонна нафтани қайта ишлаш ҳисобига йилига 280 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен тайёрланади, мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, у “Uzbekistan GTL” заводи ёнида қурилади. Натижада Шўртанда юртимиздаги биринчи йирик газкимё кластери пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш шунга мос равишда ошиб боради. Агар ҳозир бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 290 миллион доллардан иборат бўлса, 2025 йилга бориб 1,8 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Бу эса келгусида ишлаб чиқариш ҳажми 6 баробарга ошади, деганидир.

6

ИСТЕЪДОДЛАР ЮРТИ

ЁШ ШАХМАТЧИМИЗНИНГ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАГИ ҒАЛАБАСИ ДУНЁ ОАВНИНГ АСОСИЙ МАВЗУСИГА АЙЛАНДИ.

Польша пойтахтида рапид ва блиц шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторовнинг шов-шувли иштирокини ҳеч муболағасиз, бутун мамлакат кузатиб борди. Шу жумладан, 17 ёшли гроссмейстеримизнинг иштирокини Президентимиз Санкт-Петербургда бўлиб ўтган МДҲнинг норасмий саммитида иштирок этиб Тошкентга қайтаётиб, самолёт бортида катта қизиқиш билан кузатиб турган. Президент матбуот котиби таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбари жаҳон чемпионини самимий табриклаб, унинг ота-онаси ва мураббийларига миннатдорлик билдирган.

Бизнинг фахримиз

Маълум қилинишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Нодирбек Абдусатторов «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланган ҳамда Президентимиз кўрсатмаси билан унга Тошкент шаҳрида 2 хонали хонадон совға қилинади.

Машҳур рақибларни бирин-кетин мағлубиятга учратган Ўзбекистон вакилининг номи дунё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида асосий мавзуга айланди.

Жумладан, Россиянинг **«Интерфакс»** нашри Ян Непомняшийнинг Ўзбекистон вакили Нодирбек Абдусатторовдан мағлубиятга учрагани ҳақидаги хабарида ўзбекистонлик ва россиялик гроссмейстерлар қўшимча кўрсаткичлар бўйича устунликка эга эканлигини таъкидлади. Чемпионлик улар ўртасидаги тай-брейкда аниқланди. Биринчи ўйин дуранг билан якунланди, иккинчисида эса Абдусатторов кучлироқ бўлиб чиқди. У энди турнир тарихида рапид бўйича жаҳон чемпионатининг энг ёш ғолиби ҳисобланади, деб ёзилади ОАВда.

Қозоғистоннинг **«Курсив»** нашрида рапид шахмат бўйича энг ёш жаҳон чемпионига айланган Ўзбекистон вакили турнирда Магнус Карлсенни мағлуб этган ягона шахматчи бўлганига эътибор қаратилди. Халқаро шахмат федерациясининг ўсмирлар рейтингида Нодирбек Абдусатторов учинчи ўринни эгаллаб турибди. Нашр ўз хабарида жорий йил бошида Ўзбекистонда Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури қабул қилинганига ҳам урғу берган.

«Коммерсант» газетасида жаҳон чемпионати таҳлил қилинар экан, Нодирбек Абдусатторовнинг Варшавадаги ғалабаси бутун йил давомида шахмат бўйича асосий сенсация бўлса керак, деб ёзилади. Ўсмир истеъдодли, аммо шу пайтгача ўз фаолияти давомида катталар мусобақаларида жиддий ютуқларга эриша олмаган эди. Нодирбек жаҳон чемпионатининг учинчи, сўнгги кунида кўпчиликни ҳайратда қолдириб, барча машҳурлардан ўзиб кета олди.

Газета шарҳловчисининг эслашича, бундан икки йил аввал Нодирбек Абдусатторов 15 ёшлигида худди шундай жаҳон биринчилигида Магнус Карлсенни ҳафа қилган эди. Ўшанда норвегияликнинг ғалабаси нақд бўлиб турганда, Нодирбек ўйинни сақлаб қолганди.

Уларнинг навбатдаги учрашуви Варшавада ўтди. Сал улғайган Абдусатторов классик шахмат каби тезкор шахматни ҳам яхши ўйнайдиган дунёнинг энг кучли гроссмейстерига қаршилик кўрсатибгина қолмай, уни драматик якуний ўйинда мағлуб этди, деб ёзади мухбир «Ўзбек ўсмирлари классикадан устун келди» сарлавҳали мақоласида.

«Мир» давлатлараро телерадиокомпанияси материалида Нодирбекнинг ғалабаси катта сенсация сифатида қайд этилди. Таъкидланишича, Абдусатторов ушбу муваффақияти билан дунё шахмат жамоатчилигини ўзи ҳақида гапиришга мажбур қилди.

ОАВда шахмат қироли Магнус Карлсен устидан қозонилган ғалаба Ўзбекистоннинг ёш вакили учун Варшава турнири финалидан кўра муҳимроқ бўлгани ҳақида ёзилмоқда: негаки, яқин-яқингача норвегиялик гроссмейстер кичкина Нодирбекнинг кумири бўлган.

Абдусатторов дунёнинг энг кучли мураббийларидан бири ҳисобланган Рустам Қосимжонов янги поғонага кўтарган ўзбек шахмат мактабининг шонли анъаналарини давом эттирди. Шахматдаги бундай кучли салоҳият тасодиф эмас. ОАВда шахмат Ҳиндистонда эмас, балки Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган деган версия келтирилмоқда. Манбага кўра, «шоҳмот» ўйинининг номи ўзбек тилидан олинган. Ҳиндистонда эса ҳукмдорлар XVI асрдан кейин «шоҳ» деб атала бошланган.

Р. АЛИШЕРОВ («Халқ сўзи»).

САРҲИСОБ ВА УСТУВОР РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия Раиси З. Низомхўжаев олиб борди.

Йиғилиш

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йилликда амалга оширилган ишлари юзасидан ахбороти ва 2022 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари дастлаб Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йилликда амалга оширилган ишлари юзасидан ахборотини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йилликдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режага мувофиқ ташкил этилди ва амалга оширилди.

6

Сенат қўмитасида

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга оид масалалар юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд қилинганидек, бошқа соҳаларда бўлгани сингари бу йўналишда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Натижада умумтаълим мактаблари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 28 фоизга кўтарилди, олий таълим муассасаларига қабул параметри эса 3 баробар оширилди.

Ўз навбатида, олий таълим муассасалари сони 77 тадан 153 тага кўпайтирилди, жумладан, 76 та олий таълим муассаси янгидан ташкил этилди. Бугунги кунга келиб нодавлат олий таълим муассасалари 19 тага, хорижий ҳамда олий таълим муассасалари 30 та, давлат олий таълим муассасалари сони эса 104 тага етказилди.

6

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

Юртимизда билимли ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий камолотига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шиддатли ислоҳотлар жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида уларни ҳар соҳада қўллаб-қувватловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Фикр

Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони бунда алоҳида ўрин тутади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш, муаммоларга натижадор ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали олиб бориш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ҳудудларда унинг бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Бу ўз навбатида, ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштираётган баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

6

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ОГОҲЛИК БОРАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Кеча парламент қуйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

6

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 30 декабрь

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

5) **76-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишга нисбатан солиқ органларининг ахборот тизимларидан мажбурий фойдаланишга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган тартибда белгиланиши мумкин»;

6) **78-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун махсус рента солиғини тўловчи бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар солиқ ҳисобини солиқ солиш мақсадида ҳисоблаш усули бўйича АҚШ долларида юритишга ҳақли»;

7) **97-модданинг саккизинчи қисми** «ариза беришга» деган сўзлардан кейин «ёхуд бу ҳақда хабардор қилишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **98-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) шахс ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг 3^2-банди бўйича юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган бўлса»;

9) **100-модданинг**:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **3^2-банд** билан тўлдирилсин:

«3^2) агар манфаатдор шахс (тадбиркорлик субъекти) ушбу Кодекс 101-моддасининг биринчи қисмига биноан солиқ тўлашни кечиктириш ҳуқуқи тўғрисидаги хабарномани ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан уч ой ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтганлигининг қайд рақамини ва санасини кўрсатган ҳолда солиқ органларига юборган бўлса»;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ушбу модда иккинчи қисмининг 3, 3^1, 4, 5 ва 6-бандларида ва (ёки) тўртинчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра берилган бўлса, кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда, ушбу модда иккинчи қисмининг 3^2-банди бўйича солиқларни тўлаш кечиктирилган кундан эътиборан қарз суммасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоизлар ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисми 3^2-бандида кўрсатилган асосларга кўра фоизлар солиқларни тўлаш кечиктириш бўйича қарз суммасига нисбатан кечиктириш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Бунда, солиқларни манфаатдор шахс томонидан тўлашни кечиктиришнинг амал қилиш муддати солиқ органига хабарнома юборилган санадан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади, кечиктирилган солиқлар суммаси эса, муддати тугаган ойидан кейинги ойидан бошлаб кечиктириш муддати тугаганидан сўнг амал қилиш муддати тугаган санадан эътиборан кечиктирилган солиқ суммаси ҳисобланган фоизлар билан бирга тенг улушларда ўн икки ой ичида тўланади»;

10) **101-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги ариза манфаатдор шахс томонидан тегишли ваколатли органга берилади. Тадбиркорлик субъектлари (бундан давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган корхоналар, ер қаъридан фойдаланувчилар ва акциз ости маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар мустасно) умумий майдони бир минг квадрат метрдан ортиқ бўлган ер участкаларига ва (ёки) бинолар ҳамда иншоотларга бўлган мулкий ҳуқуқ олинганда ушбу Кодекс 17-моддаси биринчи қисмининг 7 ва 8-бандларида кўрсатилган солиқларни тўлашни тақдим этилган хабарнома асосида хабардор қилган ҳолда ва гаров таъминотисиз олти ой муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга. Бунда кечиктирилган солиқлар суммаси давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкаларининг, биноларнинг ва иншоотларнинг қийматидан ва (ёки) майдонларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқлар миқдорида белгиланади»;

ўн тўққизинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Агар солиқ тўловчи томонидан юборилган хабарнома ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг 3^2-бандида назарда тутилган асосларга мувофиқ бўлмаса, солиқ органи уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчига солиқларни тўлаш бўйича кечиктириш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида хабарнома юборади»;

11) **102-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ер участкалар, бинолар ва иншоотлар солиқ тўловларини тўлашни кечиктириш муддати даврида реализация қилинган ёки ижарага берилган тақдирда, ушбу Кодекс 100-моддаси иккинчи қисмининг 3^2-бандида назарда тутилган асосларга кўра кечиктириш суммаси бир ой ичида тўлиқ миқдорда ундирилади»;

12) **105-модда**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида аниқланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ортиқча тўланган (ушлаб қолинган) суммаси солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахсга, унинг солиқ ҳисобида турган жойидан қатъи назар, унинг солиқ органига тақдим этган аризаси асосида қайтарилади»;

еттинчи ва **саккизинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

13) **132-модда**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчи солиқ органларининг маълумотлар базасида мавжуд бўлган ўз ҳисоб маълумотларини солиқ органининг сўровига кўра солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тасдиқлаши керак»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

олтинчи қисми «маълумотларини юритиш» деган сўзлардан кейин «солиқ тўловчилар томонидан уларни тасдиқлаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) **138-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** – **еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Солиқ органлари камерал солиқ текшируви ўтказилиши бошлангунига қадар текширувдан олдинги таҳлилни ўтказиши мумкин.

Текширувдан олдинги таҳлил – тақдим этилган солиқ ҳисоботини ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотни солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлилдир.

Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғисиз амалга оширилади.

Агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солиқ органи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар билан тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ ҳисоботига тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарнома юборилади.

Солиқ тўловчи тегишли тузатишлар киритиш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаганлиги солиқ органи томонидан солиқ тўловчида камерал солиқ текширувини тайинлаш учун асос бўлади.

Текширувдан олдинги таҳлил аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёки аниқланган тафовутлар асосномаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ёхуд камерал солиқ текшируви тайинлаган санадан эътиборан якунланган ҳисобланади»;

иккинчи – **ўн саккизинчи қисмлари** тегишинча **саккизинчи** – **йигирма тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн бешинчи қисмидаги «ўн кунлик муддатда» деган сўзлар «беш кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан солиқ даври учун солиқ ҳисоботи тақдим этиш чоғида солиқ органлари қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) тўғрисида хабардор қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида солиқ органининг буйруғисиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашга нисбатан камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ ҳисоботига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги талабнома ёзиб берилмайди»;

15) **182-модданинг олтинчи қисмидаги** «Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасдиқлайди» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси белгилайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **195-модданинг саккизинчи қисмидаги** «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **197-модданинг иккинчи қисмидаги** «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **199-модданинг бешинчи қисмидаги** «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **220-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади»;

20) **223-модда**:

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмининг солиқ ҳисоботида тўлиқ акс эттирилмаганлиги»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттириш –

ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида кўрсатилган реализация қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

21) **242-модданинг олтинчи қисми** «алоқа хизматлари» деган сўзлардан кейин «молиявий ва суғурта хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

22) **243-модда биринчи қисми**:

11-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тиббий хизматлар (бундан косметологик хизматлар мустасно). Ушбу банднинг мақсадида тиббий хизматлар жумласига, хусусан, қуйидагилар киради»;

14-бандининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14) санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматларини, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни. Ушбу банднинг мақсадида»;

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

б) бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спорт хизматлари жумласига, хусусан, спорт иншоотларида, мактабларда, клубларда спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда жамоаларида соғломлаштириш йўналишидаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишга оид хизматлар, умумжисмоний тайёргарлик хизматлари, спорт мусобақаларини ёки байрамларини, спорт-томоша тадбирларини ўтказиш бўйича хизматлар, шунингдек мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун спорт иншоотларини ижарага бериш киради»;

23) **244-модда биринчи қисми 1-бандининг**:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) банк операциялари, бундан қиймати қатъий суммада белгиланган хизматлар мустасно, хусусан»;

тўртинчи хатбошисидаги «очиш ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк кафолатларини бажариш (банк кафолати бўйича тўлов)»;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар ва тўловлар»;

24) **259-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

25) **266-модда**:

биринчи қисмининг 5-банди «бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми «бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар солиқ тўловчи охирги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган ва экспорт шартномалари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлмаган интизомли солиқ тўловчилар тоифасига киритилган бўлса, экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) солиқ суммаси солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар, ҳисобга олинади. Товарлар «экспорт» божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига келиб тушмаган тақдирда, ҳисобга олинган солиқ суммаси ёки унинг тегишли қисми белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади»;

учинчи – **ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** – **ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

26) **269-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) ушбу товарлар солиқ органларида ҳисобга қўйилмаган шартномалар асосида ижарага олинган ёки бепул фойдаланилаётган кўчмас мулк объектларида сақланганда»;

27) **274-модда**:

иккинчи ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи ўрни қопланиши лозим бўлган солиқ суммасини қайтаришга доир солиқ ҳисоботини тақдим этишда солиқ органларини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда, солиқнинг салбий суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) учун мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра, солиқ органи солиқ суммасининг ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, мазкур солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ ҳисоботини тақдим этишда солиқ суммасини қайтариш ҳақида солиқ органлари хабардор қилинган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай қайтарилади»;

тўртинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «бу ҳақда солиқни қайтариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган» деган сўзлар «солиқ ҳисоботини тақдим этишда солиқ органларини хабардор қилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандидаги «солиқни қоплашга доир ариза» деган сўзлар «солиқ ҳисоботи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқнинг ўрнини тезлаштирилган тартибда қоплашда солиқ тўловчи томонидан қайтариш учун солиқ ҳисоботида кўрсатилган солиқ суммасининг ўрни унга етти кун ичида тўлиқ ҳажмда қопланади. Бунда ўрни қопланиши учун солиқ ҳисоботида кўрсатилган солиқ суммаси асослантирилганлигининг камерал солиқ текшируви умумий тартибда амалга оширилади. Агар камерал солиқ текшируви натижаларига кўра солиқ ҳисоботида ўрни қопланиши учун кўрсатилган солиқ суммаси ёки унинг бир қисми асоссиз бўлиб чиқса, солиқ тўловчи солиқнинг ўрни ўзига асоссиз равишда қопланган суммасини қоплаш санасидан то уни бюджетга тўлаш санасигача пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлаши шарт»;

28) **284-модда иккинчи қисмининг 1-бандидаги** «бундан акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

29) **289^1-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тамаки маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари	
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган
1.	Фильтрли, фильтрсиз сигареталар, папиросларр, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	360 000 сўм/ 1000 дона + 10 фоиз	2022 йил 1 январдан: 185 000 сўм/ 1000 дона + 10 фоиз 2022 йил 1 июндан: 203 500 сўм/ 1000 дона+ 10 фоиз
2.	Сигара	5 200 сўм/1 дона	
3.	Чилим учун тамаки	310 000 сўм/ кг*	
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	310 000 сўм/ кг	
5.	Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки	310 000 сўм/ кг	
6.	Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	310 000 сўм/ кг	
7.	Никотинли тамакисиз снюс	125 000 сўм/ кг	
8.	Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)**	550 сўм/мл	

* Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ чилим учун тамакисиз аралашмани олиб киришда ҳам тўланади.

** Таркибида никотин мавжуд бўлган суюқликни (никотинни) уни истеъмол қилиш тизимларида (электрон ва бошқалар) олиб киришда солиқ мазкур суюқлик таркибидаги никотин миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланади»;

30) **289^2-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алкоголь маҳсулотларига нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари		
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган (1 дал тайёр маҳсулот учун)	
			2022 йил 1 январдан	2022 йил 1 июндан
1.	Озиқ-овқат хомашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	70%	13 500 сўм	14 900 сўм
2.	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	45 000 сўм/ 1 литр учун	125 100 сўм	138 000 сўм
	ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	63 000 сўм/ 1 литр учун	206 700 сўм	228 000 сўм
3.	Вино:			
	табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	31 500 сўм/ 1 литр учун	1 сўм	
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	45 000 сўм/ 1 литр учун	18 000 сўм	19 800 сўм
4.	Пиво	50%, бироқ 1 литр учун/13 500 сўмдан кам бўлмаган	12 600 сўм	13 800 сўм

»;

31) **289^3-модданинг**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси	
		2022 йил 1 январдан	2022 йил 1 июндан
1.	Нефть маҳсулотлари:		
	Аи-80	240 000 сўм/ тонна	275 000 сўм/ тонна
	Аи-90 ва ундан юқори	275 000 сўм/ тонна	275 000 сўм/ тонна
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	200 000 сўм/ тонна	220 000 сўм/ тонна
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	240 000 сўм/ тонна	264 000 сўм/ тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	216 000 сўм/ тонна	237 600 сўм/ тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	340 000 сўм/ тонна	374 000 сўм/ тонна
2.	Полиэтилен гранулалар	10%	
3.	Табиий газ, бундан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган газ мустасно	20%	
4.	Якуний истеъмолчига сотиладиган:		
	бензин	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 465 530 сўм	1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 512 000 сўм
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 425 918 сўм	1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 468 000 сўм
	суюлтирилган газ	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 665 493 сўм	1 литр учун 385 сўм/1 тонна учун 730 000 сўм
	сиқилган газ	1 куб метр учун 500 сўм	1 куб метр учун 550 сўм
5.	Мобиль алоқа хизматлари	15%	
6.	Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар	20%	

»;

иккинчи қисмидаги «2, 3, 4 ва 6-бандларида» деган сўзлар «3 ва 5-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «5-бандида» деган сўзлар «4-бандида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «7-бандида» деган сўзлар «6-бандида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) **297-модданинг учинчи қисми**:

6-бандидаги «асосий воситаларнинг» деган сўзлар «амортизация қилинадиган активларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **25^1-банд** билан тўлдирилсин:

«25^1) ушбу Кодекс 248-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ базасига товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиш натижасида олинган даромад»;

33) **298-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**298-модда. Амортизация қилинадиган активларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар (зарарлар)**

Ушбу моддага мувофиқ аниқланадиган, чиқиб кетишдан олинадиган молиявий натижа амортизация қилинадиган активларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад (зарар) деб эътироф этилади.

Амортизация қилинадиган активнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижа (фойда ёки зарар) амортизация қилинадиган активнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромаддан унинг қолдиқ қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Амортизация қилинадиган активнинг қолдиқ қиймати ушбу Кодекс 306-моддасининг йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи қисмларига ҳамда 307-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ аниқланади.

Амортизация қилинадиган активнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда бундай актив бўйича 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тўпланган қўшимча баҳолаш суммаси (илгари қайта баҳоланган нархини ошириш суммасининг олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари) амортизация қилинадиган активнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад таркибига киритилади.

Бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижа бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. Мазкур қисмнинг қоидалари ушбу Кодекснинг 45-бобига мувофиқ солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутиладиган мол-мулкнинг чиқиб кетиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

34) **305-модданинг ўн биринчи** ва **ўн иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, узоқ муддатли активларнинг дастлабки қийматига ва захираларнинг таннархига киритиладиган харажатлар амортизация ажратмалари воситасида ва бундай захираларнинг таннархи орқали чегирмалар жумласига киритилиши лозим.

Ушбу Кодекс 306-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ амортизация ажратмалари ҳисобланмайдиган узоқ муддатли активларнинг қиймати мазкур активлар ушбу Кодекснинг 298-моддасида назарда тутилган тартибда чиқиб кетаётганда солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинади»;

35) **306** ва **307-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**306-модда. Амортизация харажатлари**

Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчи амортизация қилинадиган активлар сифатида ҳисобга оладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу Кодекс мақсадларида амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида бирлик (тўплам) учун белгиланган (асосий восита сифатида эътироф этилган санадаги), қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдоридан юқори бўлган, солиқ тўловчида мулк ҳуқуқи асосида турган (агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) ва солиқ тўловчи томонидан товарларни ишлаб чиқаришда (хизматлар кўрсатишда) ёки маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ вақт (давомийлиги ўн икки ойдан ортиқ вақт) мобайнида фойдаланиладиган мол-мулк солиқ солиш мақсадларида асосий восита деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи солиқ даври учун солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатида мол-мулк қийматини асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун мол-мулкнинг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Унитар корхона амортизация қилинадиган активни унитар корхона мулкдоридан оператив бошқарувга ёки хўжалик юритувига олганда бундай актив ушбу моддада белгиланган тартибда шу унитар корхонада амортизация қилиниши лозим.

Ижарага берувчининг (қарз берувчининг) розилиги билан ижарага ва (ёки) бепул фойдаланишга берилган амортизация қилинадиган активга ижарага олувчи (қарз олувчи) томонидан амалга оширилган ажратиб бўлмайдиган яхшилаш шаклидаги капитал қўйилмалар ҳам амортизация қилинадиган актив деб эътироф этилади.

Молиявий ижара шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича олинган амортизация қилинадиган актив ижара (лизинг) объектини олувчида амортизация қилинадиган активлар таркибига киритилади.

Қуйидаги активлар амортизация қилинмайди:

1) ер ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2) маҳсулдор чорва моллари;

3) ахборот-кутубхона фонди;

4) музей ашёлари;

5) моддий маданий мерос объектлари;

(Давоми 3, 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

6) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлкалар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

7) қиймати солиқ солиш мақсадида ушбу солиқ тўловчида илгари тўлиқ харажатлар жумласига киритилган амортизация қилинадиган актив;

8) солиқ тўловчи томонидан амортизация қилинадиган активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар;

9) бюджет ташкилотларининг амортизация қилинадиган активлари, бундан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилиши муносабати билан сотиб олинган ва бундай фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиладиган амортизация қилинадиган активлар мустасно;

10) мақсадли молиялаштиришнинг бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган (яратилган) амортизация қилинадиган активлар (тегишли қисми бўйича). Мазкур норма солиқ тўловчи томонидан хусусийлаштириш чоғида олинган амортизация қилинадиган активга нисбатан қўлланилмайди;

11) ушбу Кодекс 304-моддасининг 8, 9, 14 ва 15-бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (яратилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (яратилган) амортизация қилинадиган актив (тегишли қисми бўйича).

Ушбу модда мақсадида қуйидагилар амортизация қилинадиган активлар таркибидан чиқариб ташланади:

1) консервация даври учун – қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган амортизация қилинадиган актив;

2) солиқ тўловчининг қарорига кўра ўн икки ойдан ортиқ вақт реконструкция қилишда ёки модернизациялашда бўлган амортизация қилинадиган актив, бундан реконструкция қилиш ёки модернизациялаш жараёнида бундай активдан солиқ тўловчи томонидан ўз фаолиятида фойдаланилиши давом эттириладиган ҳоллар мустасно.

Агар мазкур моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу модда мақсадида амортизация қилинадиган актив бошланғич қиймат бўйича ҳисобга олинади.

2021 йил 31 декабрдан кейин сотиб олинган (олинган, яратилган) амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати уни сотиб олишга, қуришга, ишлаб чиқаришга, етказиб беришга ва фойдаланиш учун яроқли бўлган ҳолатга келтиришга доир харажатлар суммаси сифатида (агар бундай актив солиқ тўловчи томонидан бепул олинган ёхуд инвентаризация натижасида аниқланган бўлса, шу активнинг ушбу Кодекснинг 299-моддасига мувофиқ белгиланадиган бозор қиймати сифатида) аниқланади.

Молиявий ижара ва (ёки) лизинг предмети бўлган амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати ушбу модданинг ўнинчи қисмида кўрсатилган тартибга ўхшаш тартибда аниқланади.

Акциядорнинг (иштирокчининг, мулкдорнинг) устав фондига (устав капиталига) ҳиссаси ҳисобидан олинган, амортизация қилинадиган активларнинг бошланғич қиймати деб мазкур активларнинг акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) томонидан келишилган, лекин ушбу Кодекснинг 299-моддасида кўрсатилган тартибга ўхшаш тартибда аниқланадиган бозор қийматидан юқори бўлмаган пулдаги баҳоси эътироф этилади.

Солиқ тўловчининг ўзи барпо этган (тайёрлаган, яратган), амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати деб бундай активни барпо этиш (қуриш, қўшимча қуриш, тайёрлаш, яратиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси эътироф этилади.

Амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати қуйидагилар ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади:

ушбу Кодекснинг 37-бобига мувофиқ ҳисобга олинган ва (ёки) 314-моддасига мувофиқ харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи;

фоизлар бўйича харажатларни ва ушбу Кодексга мувофиқ чегириб ташланиши лозим бўлган ёки харажатлар таркибида ҳисобга олинадиган амортизация қилинадиган активни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиш учун мўлжалланган захиралар ёки активлар таркибидан ўтказилган амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати ушбу активнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бундай келиб тушиш санасида аниқланган баланс қийматидир.

Агар амортизация қилинадиган актив солиқ тўловчи томонидан қайта ташкил этиш натижасида (бундан ташкилий-ҳуқуқий шакл ўзгарган ҳоллар мустасно) олинган бўлса, бундай активнинг топшириш далолатномасида ёки тақсимлаш балансида кўрсатилган баланс қиймати унинг бошланғич қиймати бўлади.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра солиқ тўловчида мавжуд бўлган, амортизация қилинадиган активнинг бошланғич (қайта тикланиш) қиймати солиқ солиш мақсадларида илгари ўтказилган қайта баҳолашларни ҳисобга олган ҳолда унинг бошланғич қиймати сифатида аниқланади.

Амортизация қилинадиган активнинг қайта тикланиш қийматини аниқлашда ушбу модда мақсадида солиқ тўловчининг қарори бўйича 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра амалга оширилган ва солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисобида 2020 йил 1 январдан кейин акс эттирилган амортизация қилинадиган активнинг қайта баҳоланиши ҳисобга олинади.

Ушбу бўлим мақсадида солиқ тўловчи томонидан 2021 йил 1 январдан кейин амортизация қилинадиган актив қийматини қайта баҳолаш (нархини пасайтириш) амалга оширилганда, бундай қайта баҳолашнинг ижобий (салбий) суммаси даромад (харажат) деб эътироф этилмайди, амортизация қилинадиган активнинг қайта тикланиш қийматини аниқлашда ва амортизацияни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати бундайактивга солиқ тўловчи томонидан капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда, башарти улар иқтисодий жиҳатдан ўринли бўлса, ўзгаради.

Амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати тегишли объектлар қўшимча қурилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, модернизация қилинган, технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган, қисман тугатилган ҳолларда ва бошқа шунга ўхшаш асосларга, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига кўра ўзгаради.

Асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотларнинг ёки бошқа амортизация қилинадиган активнинг технологик ёки хизмат кўрсатиш жиҳатидан белгиланган мақсадининг ўзгариши ва (ёки) бошқа янги сифатларнинг олиниши билан боғлиқ ишлар, қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш,модернизация қилишга доир ишлар жумласига киради.

Ушбу модда мақсадида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, товарлар (хизматлар) сифатини яхшилаш ва (ёки) уларнинг номенклатурасини ўзгартириш мақсадида амортизация қилинадиган активни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган, мавжуд амортизация қилинадиган активни қайта қуриш реконструкция қилиш жумласига киради.

Амортизация қилинадиган активнинг ёки унинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини техника ва технологияни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, маънан эскирган ҳамда жисмонан ишдан чиққан асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва алмаштириш асосида оширишга доир комплекс тадбирлар техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жумласига киради. Техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш янги ишлаб чиқаришларни барпо этишни ва амалдагиларини кенгайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Ижарага олинган амортизация қилинадиган активларга ва (ёки) бепул фойдаланиш шартномаси бўйича олинган амортизация қилинадиган активларга капитал қўйилмалар қуйидаги тартибда амортизация қилинади:

ижарага берувчи томонидан ижарага олувчига (қарз берувчи томонидан қарз олувчига) қийматининг ўрни қопланадиган капитал қўйилмалар ижарага берувчи (қарз берувчи) томонидан амортизация қилинади;

ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан (қарз берувчининг розилиги билан қарз олувчи) амалга оширган, қийматининг ўрни ижарага берувчи (қарз берувчи) томонидан қоплаб берилмайдиган капитал қўйилмалар ижарага олувчи (қарз олувчи) томонидан амортизация қилинади.

2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра солиқ тўловчида мавжуд бўлган амортизация қилинадиган активларнинг қолдиқ қиймати бундай амортизация қилинадиган активларнинг бошланғич (тикланиш) қиймати ва 2021 йил 1 январгача ҳисобланган (жамғарилган) амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

2020 йилнинг 31 декабридан кейин ишга туширилган амортизация қилинадиган активнинг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қиймати ва солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобланган (жамғарилган) амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Ушбу Кодекс 308-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ инвестициявий чегирма бекор қилинган тақдирда, жамғарилган амортизация инвестициявий чегирма чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Амортизация қилинадиган активнинг қиймати ушбу Кодекснинг 308-моддасида назарда тутилган амортизация ажратмалари ва (ёки) инвестициявий чегирмалар орқали харажатлар жумласига киритилади.

Агар ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амортизация қилинадиган активнинг қиймати амортизация ажратмаларини қайта баҳолаш ҳисобга олинмаган ҳолда бошланғич қийматдан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.

Амортизация қилинадиган активлар амортизацияни ҳисоблаш мақсадида, ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси асосий фондларининг статистик таснифлари ҳисобга олинган ҳолда активни ишга тушириш санасида амортизация гуруҳлари (кичик гуруҳлари) бўйича тақсимланади.

Амортизация қилинадиган барча активлар (бундан номоддий активлар мустасно) бўйича амортизацияни ҳисоблаш амортизациянинг қуйидаги энг юқори нормалари қўлланилган ҳолда тўғри чизиқли усул орқали амалга оширилади:

Гуруҳлар тартиб рақами	Кичик гуруҳлар тартиб рақами	Амортизация гуруҳларининг (кичик гуруҳларининг) номи	Амортизациянинг нормаси, фоизларда
I		**Бинолар ва иншоотлар**	
	1	Бинолар	5
	2	Иншоотлар	10
II		**Қувурлар, электр узатиш ва телекоммуникациялар линиялари**	15
III		**Машиналар ва ускуналар (транспорт ускуналаридан ташқари)**	20
IV		**Транспорт ускуналари**	
	1	Ҳаво ва космик учиш аппаратлари ва улар билан боғлиқ ускуналар, кемалар ва қайиқлар, локомотивлар ва ҳаракатдаги таркиб (темир йўл таркиби)	10
	2	Автотранспорт воситалари, автомобиль кузовлари (корпуслари), тиркамалар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари	20
V		**Компьютерлар ва периферия ускуналари**	40
VI		**Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизация қилинадиган активлар**	15

Солиқ тўловчи солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга ҳақли.

Солиқ солиш мақсади учун амортизация суммаси солиқ тўловчилар томонидан ҳар ойда аниқланади. Амортизация ҳар бир амортизация қилинадиган актив бўйича алоҳида ҳисобланади ҳамда унинг бошланғич қийматининг ва ушбу объект учун белгиланган амортизация нормасининг кўпайтмаси сифатида аниқланади.

Амортизация қилинадиган актив, шу жумладан қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган амортизация қилинадиган активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш ушбу актив, у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан қатъи назар, фойдаланишга топширилган санадан эътиборан бошланади.

Агар солиқ тўловчи бирор-бир календарь ой ичида таъсис этилган, тугатилган ёки қайта ташкил этилган бўлса, амортизация қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ҳисобланади:

1) амортизация таъсис этилаётган, қайта ташкил этиш натижасида ташкил этилаётган солиқ тўловчи томонидан у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ҳисобланади;

2) амортизация тугатилаётган солиқ тўловчи томонидан тугатиш якунланадиган санагача, қайта ташкил этилаётган солиқ тўловчи томонидан эса қайта ташкил этиш тугатиладиган санагача ҳисобланади.

Ушбу модда ўттиз бешинчи қисмининг қоидалари ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартираётган солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Амортизацияни ҳисоблаш амортизация қилинадиган активнинг қиймати тўлиқ ҳисобдан чиқарилган санадан эътиборан ёки бундай актив солиқ тўловчининг амортизация қилинадиган активлари таркибидан ҳар қандай асосларга кўра чиқарилганда тугатилади.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмига мувофиқ амортизация қилинадиган актив таркибидан чиқариб ташланган активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш ушбу актив амортизация қилинадиган актив таркибидан чиқариб ташланган санадан эътиборан тугатилади ва амортизация қилинадиган актив расконсервация қилинган ёки уни реконструкция қилиш (модернизациялаш) якунланган санадан эътиборан қайта тикланади.

Солиқ солиш мақсадларида амортизация қилинадиган активнинг қийматига ушбу Кодекс 317-моддасининг 17-бандида назарда тутилган харажатлар киритилмайди.

Номоддий активларнинг қиймати ушбу Кодекснинг 307-моддасида назарда тутилган тартибда харажатлар жумласига киритилади.

307-модда. Номоддий активларни амортизация қилиш харажатлари

Солиқ тўловчининг товарлар ишлаб чиқаришда (хизматлар кўрсатишда) ёки маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун узоқ вақт (давомийлиги ўн икки ойдан ортиқ вақт) мобайнида фойдаланиладиган интеллектуал фаолият натижалари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари (уларга бўлган мутлақ ҳуқуқлар) солиқ солиш мақсадларида номоддий активлар деб эътироф этилади.

Номоддий активлар жумласига, хусусан, башарти солиқ тўловчи ушбу активларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлса, ушбу Кодекс 44-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган активлар киради.

Номоддий активни тан олиш учун қуйидагилар зарур:

солиқ тўловчига иқтисодий наф (даромад) олиб келиш имкониятининг мавжудлиги;

номоддий активнинг ўзи мавжудлигини ва (ёки) солиқ тўловчида интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ мавжуд эканлигини тасдиқловчи лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатларнинг (шу жумладан патентлар, гувоҳномаларнинг, бошқа муҳофаза ҳужжатларининг, патентдан, товар белгисидан ўзганинг фойдасига воз кечишга (уни олишга) доир шартноманинг) мавжудлиги.

Номоддий активдан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ва (ёки) интеллектуал мулк объектларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилигига мувофиқ фойдаланиш муддатларига доир бошқа чекловлардан келиб чиққан ҳолда ёхуд номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланишнинг тегишли шартномаларда шартлашилган муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Номоддий активлар бўйича амортизация ҳар ойда солиқ тўловчи томонидан уларнинг бошланғич қийматидан ва бундай номоддий активдан фойдали тарзда фойдаланиш муддатидан, бироқ солиқ тўловчининг фаолияти муддатидан кўп бўлмаган муддатдан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинган нормалар бўйича ҳисобланади.

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади.

Ушбу моддада назарда тутилган исталган номоддий активдан фойдаланиш ва фойдаланиш ҳуқуқи учун солиқ тўловчи томонидан тўланадиган даврий (жорий) тўловлар ушбу Кодекс 305-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган шартларга риоя этилган тақдирда харажатлар деб эътироф этилади ва чегирмалар жумласига мутаносиб равишда фойдаланиш муддат давомида киритилади»;

36) **308-модда**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 306-моддасига мувофиқ аниқланадиган активнинг бошланғич қийматидан келиб чиққан ҳолда амортизация қилиниши лозим бўлган амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестициявий чегирмаларни ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартларда қўллашга ҳақли»;

учинчи қисмининг:

1-бандидаги «10 фоизи» деган сўзлар «20 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандидаги «5 фоизи» деган сўзлар «10 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда мақсадларида товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан фойдаланиладиган, чиқарилган кунидан эътиборан кўпи билан уч йил ўтган машиналар ва ускуналар (шу жумладан транспорт ускуналари) янги технологик ускуналар деб эътироф этилади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Амортизация қилинадиган актив у бўйича инвестициявий чегирма қўлланилган санадан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган, бепул берилган ва бошқача тарзда чиқиб кетган тақдирда, инвестициявий чегирманинг амал қилиши бундай активнинг чиқиб кетиши рўйберган ҳисобот (солиқ) даврида жамғарилган амортизация суммасидан уни чегириб ташлаш орқали бекор қилинади.

Ушбу модда еттинчи қисмининг қоидалари амортизация қилинадиган активнинг фавқулодда вазиятлар (табиий офат, ёнғин, авария ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) туфайли чиқиб кетиши ҳолларига нисбатан, шунингдек амортизация қилинадиган активнинг бошланғич қиймати унинг чиқиб кетиш санасига қадар ушбу Кодекснинг 306-моддасида белгиланган нормалар бўйича тўлиқ амортизация қилиниши мумкин бўлган ҳолларда татбиқ этилмайди»;

37) **309-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«309-модда. Амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш харажатлари

Солиқ солиш мақсадларида солиқ тўловчи томонидан амортизация қилинадиган активларни таъмирлаш учун амалга оширилган харажатлар қайси ҳисобот (солиқ) даврида амалга оширилган бўлса, ўша ҳисобот (солиқ) даврида ҳақиқий чиқимлар миқдорида харажатлар жумласига киритилади.

Агар ижарага олувчи ва ижарага берувчи ўртасидаги шартномада (қарз олувчи ва қарз берувчи ўртасидаги шартномада) ижарага олувчининг (қарз олувчининг) харажатлари ўрнини ижарага берувчи (қарз берувчи) томонидан қоплаш назарда тутилган бўлмаса, ушбу модда қоидалари ижарага олувчининг (қарз олувчининг) мазкур харажатларига нисбатан ҳам қўлланилади»;

38) **310-модданинг биринчи қисмидаги** «(бундан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда капиталлаштириш учун рухсат берилган харажатлар мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

39) **311-модданинг биринчи қисмидаги** «имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонусни тўлашга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

40) **312-модда**:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу бўлим мақсадларида янги илмий ёки техник билимлар ва ғояларни олиш мақсадида амалга оширилган оригинал ҳамда режали тадқиқотлар жумласига кирадиган харажатлар илмий тадқиқотларга доир харажатлар деб эътироф этилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бўлим мақсадларида янги маҳсулотни (товарларни, хизматларни) яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни (товарларни, хизматларни) такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишнинг янги технологияларини, усулларини яратиш ёки қўлланилаётганларини такомиллаштириш жумласига кирадиган харажатлар тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлар деб эътироф этилади.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатларга илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ёки асослантирилган тарзда ушбу конструкторлик фаолияти турлари жумласига киритилиши мумкин бўлган барча харажатлар киритилади»;

иккинчи, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

41) **315-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган захира фондларига ажратмалар қонунчиликда назарда тутилган тартибда, қуйидаги нормалар доирасида харажатлар жумласига киритилади:

банклар томонидан – қонунчиликда белгиланган норманинг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

банк операцияларини амалга оширишга доир лицензия асосида банк операцияларининг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва суғурта ташкилотлари томонидан – қонунчиликда назарда тутилган нормалардан юқори бўлмаган миқдорда»;

42) **317-модданинг**:

7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) хайрия ёрдамини амалга ошириш учун харажатлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш, ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно»;

21-бандидаги «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 306-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **320-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Валюта қимматликлари тарзидаги мол-мулкни (бундан чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар мустасно) ва қиймати чет валютасида ифодаланган талаб қилиш тарзидаги мол-мулкни қўшимча баҳолашда ёки қиймати чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятларнинг қийматини пасайтиришда юзага келадиган курсдаги фарқ ушбу боб мақсадларида курсдаги ижобий фарқ деб эътироф этилади.

Валюта қимматликлари тарзидаги мол-мулкнинг (бундан чет эл валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар мустасно) ва қиймати чет валютасида ифодаланган талаб қилиш тарзидаги мол-мулкнинг қийматини пасайтиришда ёки қиймати чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятларни қўшимча баҳолашда юзага келадиган курсдаги фарқ ушбу боб мақсадларида курсдаги салбий фарқ деб эътироф этилади.

Кўрсатилган қийматни қўшимча баҳолаш ёки пасайтириш чет эл валютаси расмий курсининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан ўзгариши ёхуд чет эл валютаси (шартли пул бирликлари) курсининг қонунчиликда ёки тарафларнинг битимида белгиланган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан ўзгариши муносабати билан амалга оширилган тақдирда, агар ушбу чет эл валютасида (шартли пул бирликларида) ифодаланган Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланиши лозим бўлган талабларнинг (мажбуриятларнинг) қиймати тегишинча тарафларнинг қонунчилигида ёки битимида белгиланган курс бўйича аниқланса, ушбу модда қоидалари қўлланилади.

Курсдаги ижобий фарқ жами даромад таркибига, курсдаги салбий фарқ – харажатлар таркибига киритилади.

Берилган (олинган) бўнакларни қайта баҳолашдан юзага келадиган курсдаги ижобий (салбий) фарқ солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олинмайди»;

44) **333-модданинг**:

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

олтинчи – **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** – **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

45) **335-модда учинчи қисми 2-бандининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

46) **336-модданинг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

47) **337-модда биринчи қисми 2-бандининг**:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

48) **347-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** – **ўн биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидентнинг солиқни тўлангандан кейин ўз тасарруфида қоладиган соф фойдаси дивидендларга тенглаштирилади ва унга ушбу Кодекс 353-моддасининг 1-бандида белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ солиниши лозим.

Соф фойда деганда жами даромад ва доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ тушунилади. Бунда жорий солиқ даври учун соф фойда айни бир доимий муассаса доирасида аввалги солиқ даврларида олинган зарарнинг (зарарларнинг) умумий суммасига, башарти илгари бундай зарар (зарарлар) соф фойдани аниқлашда ҳисобга олинмаган бўлса, камайтирилади.

Соф фойдадан олинадиган солиқнинг ҳисоблаб чиқарилган суммаси солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади»;

49) **348-модданинг олтинчи қисмидаги** «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) **378-модда**:

16-бандининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилган иш ҳақига ва бошқа даромадларига нисбатан солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёшга тўлгунига қадар, ушбу хатбошида квартираларнинг қиймати ва бюджетдан ажратилган субсидиялар бўйича белгиланган шартлар инобатга олинмаган ҳолда қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги **19¹-банд** билан тўлдирилсин:

«19¹) солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари»;

қуйидаги мазмундаги **21-банд** билан тўлдирилсин:

«21) солиқ тўловчининг солиқ даври давомида қуйидагиларни тўлаш учун йўналтириладиган, базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз бараваригача бўлган миқдордаги иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари:

халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини, тегишли халқаро ташкилот аъзоси сифатида бундай бадалларнинг тўланганлиги тўғрисида ҳужжат мавжуд бўлганда;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига тўловларни, курсни тугатганлик тўғрисида шундай ташкилотлар томонидан берилган ҳужжат мавжуд бўлганда»;

51) **408-модда**:

биринчи қисмининг 4-банди чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоси бўлган ҳунармандчилик фаолияти субъектлари»;

иккинчи ва **учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

52) **412-модда биринчи қисмининг 1-банди**:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган объектларга нисбатан солиқ базаси қуйидаги миқдорларда 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмас:

Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм;

Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм;

бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – бир миллион сўм»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ушбу бандда белгиланган энг кам қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиши мумкин.

Агар объектнинг 1 кв. метри қиймати ушбу бандда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли. Бунда мустақил баҳолаш натижалари солиқ базаси сифатида эътироф этилади»;

53) **414-модда**:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **3-банд** билан тўлдирилсин:

«3) янги нефть ва газ қудуқларининг – улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб икки йил муддатга»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган янги нефть ва газ қудуқларига нисбатан солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йил давомида белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси қўлланилади»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

54) **415-модданинг**:

биринчи қисмидаги «2 фоиз» деган сўзлар «1,5 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «4 фоиз» деган сўзлар «3 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «0,4 фоиз» деган сўзлар «0,5 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **421-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар. Мазкур имтиёз етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар йигирма уч ёшга тўлгунига қадар амал қилади»;

(Давоми 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

56) **422-модданинг**:
биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,25
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв. м дан ортиқ ва 500 кв. м гача бўлган	0,33
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,44
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,33
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	1,5

»;

бешинчи қисмидаги «4 фоиз» деган сўзлар «3 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

57) **426-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:
«15) геология-қидирув ва (ёки) изланиш ишларини ўтказиш учун ажратилган ер участкалари»;

58) **429-модда**:
биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	220
2 зона	175
3 зона	135
4 зона	90
5 зона	45
Қорақалпоғистон Республикаси	28
Андижон вилояти	35
Бухоро вилояти	29
Жиззах вилояти	29
Қашқадарё вилояти	29
Навоий вилояти	29
Наманган вилояти	35
Самарқанд вилояти	35
Сурхондарё вилояти	25
Сирдарё вилояти	22
Тошкент вилояти	30
Фарғона вилояти	29
Хоразм вилояти	29

»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларидан иборат бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаларига 0,25 коэффициент қўлланилади»;

бешинчи – ўн бешинчи қисмлари тегишинча **олтинчи – ўн олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмининг:
биринчи хатбошисидаги «0,25» рақами «0,3» рақами билан алмаштирилсин;
иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
учинчи – тўққизинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи – саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;
еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари белгиланган тартибда юридик шахсларга ажратилган ер участкаларига нисбатан қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Бунда ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошиларида назарда тутилган объектларга нисбатан республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари бўйича ўртача белгиланган солиқ ставкасига 0,3 коэффициент қўлланилади. Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича ўртача солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари белгилаган солиқ ставкалари асосида аниқланади ҳамда улар ҳар йили 5 январга қадар солиқ тўловчилар эътиборига етказилади»;

саккизинчи – ўн олтинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи – ўн еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

59) **437-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):

Республика ҳудудлари	1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Тошкент шаҳри:	
1 зона	1280
2 зона	1085
3 зона	890
4 зона	700
5 зона	500
Қорақалпоғистон Республикаси	260
Андижон вилояти	320
Бухоро вилояти	260
Жиззах вилояти	260
Қашқадарё вилояти	260
Навоий вилояти	260
Наманган вилояти	320
Самарқанд вилояти	320
Сурхондарё вилояти	234
Сирдарё вилояти	205
Тошкент вилояти	270
Фарғона вилояти	260
Хоразм вилояти	260

»;

60) **445-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб метр учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектлари	1 куб. м учун солиқ ставкаси, (сўмда):	
		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, (бундан 2 ва 3-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	240	290
2.	Саноат корхоналари	520	620
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	80	100
4.	Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари	40	40
5.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	2 190	2 190
6.	Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	27 700	27 700

»;

61) **XVIII бўлим** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«XVIII БЎЛИМ. ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

64-боб. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

449-модда. Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олишни ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни (бундан буён ушбу бўлимда фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) деб юритилади) амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади.

Қонунчиликда назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширишга тааллуқли қисм бўйича солиқ тўловчилар бўлмайди.

450-модда. Солиқ солиш объекти

Фойдали қазилмани қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солиш объектидир.

Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг ҳажми қазиб олиш (ажратиб олиш), бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш ва транспортда ташишнинг бутун технологик цикли доирасида юзага келадиган технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалар доирасида, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса – солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида аниқланади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) ва фойдали қазилмаларга бирламчи ишлов беришнинг (уларни қайта ишлашнинг) технологик цикли доирасидаги йўқотишлар технологик йўқотишлар деб эътироф этилади, хусусан:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғидаги йўқотишлар, шу жумладан уларнинг қолдиқлари (ажратиб олиб бўлмайдиган захиралари);

углеводородларни дастлабки саноат мақсадида қайта ишлаш чоғидаги йўқотишлар;

қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни ёпиқ технологик цикл доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми.

Солиқ солиш объекти фойдали қазилманинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлмайди:

солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда шахсий хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун фойдаланилган, кенг тарқалган фойдали қазилмалар. Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонунчиликда белгиланади;

қонунчиликда белгиланган тартибда дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар, бундан реализация қилинган фойдали қазилманинг ҳажми мустасно.

451-модда. Солиқ базаси

Солиқ базаси солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмага нисбатан аниқланади.

Солиқ (ҳисобот) даври бошланганидан эътиборан ўсиб борувчи якун билан аниқланадиган қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма ҳажмининг қиймати солиқ базасидир.

Агар ушбу модданинг тўққизинчи – ўн биринчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма ҳажмининг қиймати солиқ (ҳисобот) даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоб-китоб қилинади.

Солиқ (ҳисобот) даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқланади.

Агар қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмадан шахсий ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун қисман фойдаланилса, солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг бутун ҳажми ҳисобида, ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ (ҳисобот) даврида фойдали қазилма реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси реализация қилиш амалга оширилган охирги солиқ (ҳисобот) даврида фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) бошланганидан буён улар реализация қилинмаган тақдирда, солиқ базаси солиқ (ҳисобот) даврида мазкур фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг (ажратиб олишнинг) 20 фоизга оширилган ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган биринчи ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммасига ҳисобот даврида шаклланган ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмадан тўлалигича шахсий ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда солиқ базаси қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилманинг 20 фоизга оширилган ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққанҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчи қазиб олинган табиий газни ва (ёки) нефтни мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш асосида қайта ишлашни амалга оширган ҳолларда солиқ базаси ушбу фойдали қазилмалардан олинган маҳсулотларни реализация қилиш баҳосидан келиб чиқиб, уларга солиқ тўловчи томонидан сарфланган дастлабки ишлов бериш, уларни қайта ишлаш ва транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Агар ушбу Кодекснинг 451[1]-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металларни, шунингдек нодир элементларни ҳамда нодир ер элементларини қазиб олишда солиқ базаси ушбу фойдали қазилмаларни реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан, уларга ишлов бериш (уларни бойитиш), уларни қайта ишлаш ва (ёки) транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Фойдали қазилмаларнинг айрим турларига нисбатан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу Кодекснинг 451[1]-моддасида белгиланади.

451[1]-модда. Металларнинг айрим турларини қазиб олиш (ажратиб олиш) чоғида солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Олтин, кумуш, платина, палладий, мис, рух, қўрғошин ва молибден (бундан буён ушбу моддада металлар деб юритилади) бўйича солиқ базаси руда, концентрат ва (ёки) қайта ишлашнинг якуний маҳсулоти (тайёр маҳсулот) таркибидаги ҳар бир металлга нисбатан аниқланади.

Металларни қазиб олиш (ажратиб олиш) чоғида қуйидагилар солиқ базаси бўлади:

1) агар ушбу қисмнинг 2-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, рудани (концентратни) реализация қилиш чоғида – қазиб олинган (ажратиб олинган) металлнинг қиймати, ушбу қиймат руданинг (концентрантнинг) таркибида мавжуд бўлган металл ҳажмига нисбатан қўлланиладиган ўртача арифметик биржа баҳоси ва ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ўртасида олинган юқорироқ нарх бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, унга ишлов бериш (уни бойитиш), уни қайта ишлаш (аффинаж) ва (ёки) транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланади;

2) олтин ва мисни реализация қилиш чоғида – қазиб олинган (ажратиб олинган) металлнинг қиймати, ушбу қиймат руда, концентрат ва (ёки) қайта ишлашнинг якуний маҳсулоти (тайёр маҳсулот) таркибида мавжуд бўлган металл ҳажмига нисбатан қўлланиладиган солиқ (ҳисобот) даври учун ўртача арифметик биржа баҳоси ва ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ўртасида олинган юқорироқ нарх бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, унга ишлов бериш (уни бойитиш), уни қайта ишлаш (аффинаж) ва транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланмайди. Бунда солиқ тўловчи олтин ва мис бўйича солиқ базасини ушбу харажатларни чегириб ташлаган ҳолда белгилашга ҳақли;

3) мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш асосида ажратиб олинган кумушни, платинани, палладийни, рухни, қўрғошинни ёки молибденни реализация қилиш чоғида – қазиб олинган (ажратиб олинган) металлнинг қиймати, ушбу қиймат солиқ (ҳисобот) даврида ўртача арифметик биржа баҳоси ва ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ўртасида олинган юқорироқ нарх бўйича ҳисоб-китоб қилиниб, солиқ тўловчи томонидан унга ишлов бериш (уни бойитиш), уни қайта ишлаш ва (ёки) транспортда ташиш учун қилинган харажатлар чегириб ташланади.

Агар ажратиб олинган кумуш, платина, палладий, рух, қўрғошин ёки молибден рудадаги асосий металл бўлмаса ёки уларни ажратиб олиш олтин ва (ёки) мис ажратиб олинаётган (бойитилаётган, қайта ишланаётган) ишлаб чиқариш қувватларида амалга оширилаётган бўлса, солиқ тўловчи солиқ базасини уларга ишлов бериш (уларни бойитиш), уларни қайта ишлаш (аффинаж) ва транспортда ташиш харажатларини чегириб ташламаган ҳолда аниқлашга ҳақли.

Кумушни, платинани, палладийни, рухни, қўрғошинни ёки молибденни ажратиб олиш чоғида ушбу металлар рудадаги асосий металлар бўлса, бошқа металлар, шу жумладан олтин ва мис бўйича солиқ базаси уларга ишлов бериш (уларни бойитиш), уларни қайта ишлаш (аффинаж) ва транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчи металлар билан бирга бошқа қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металларни, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган нодир элементларни ва нодир ер элементларини ажратиб олаётган бўлса, бошқа металлар (элементлар) бўйича солиқ базаси уларга ишлов бериш (уларни бойитиш), уларни қайта ишлаш (аффинаж) ва транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланган ҳолда, ўртача олинган реализация қилиш баҳоси бўйича аниқланади.

Агар солиқ тўловчи рудадаги асосий металлар билан бирга бошқа металларни, шу жумладан техноген чиқиндилардан (чанг, шлак, кек, шлам ва бошқалардан) металларни ажратиб олса, ушбу металлар (элементлар) бўйича солиқ солинадиган база уларга ишлов бериш (уларни бойитиш), уларни қайта ишлаш (аффинаж) ва транспортда ташиш харажатлари чегириб ташланган ҳолда ўртача олинган (ўртача арифметик биржа) реализация қилиш баҳосидан келиб чиқиб аниқланиши мумкин.

Солиқ (ҳисобот) даври учун олтин, кумуш, палладий ва платина бўйича ўртача арифметик биржа нархи солиқ органлари томонидан Лондон қимматли металлар бозори уюшмасининг (London Bullion Market Association) эрталабки фиксинги асосида, бошқа металлар бўйича эса Лондон металлар биржасининг (London Metal Exchange) маълумотлари асосида аниқланади.

Солиқ (ҳисобот) даври учун ўртача арифметик биржа нархи нархлар қайси валютада белгиланган бўлса, шу валюта бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган валюта курсига кўпайтирилган металлар нархларини қўшишда ҳосил бўлган суммани кўрсатилган нархлар белгиланган кунлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Солиқ (ҳисобот) даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда, ушбу Кодекс 451-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган тартибда аниқланади.

Солиқ органлари ҳар ойда, солиқ (ҳисобот) давридан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмай, ўзлари ушбу модданинг еттинчи ва саккизинчи қисмларига мувофиқ ҳисоб-китоб қилган ҳар бир металл тури учун ўртача арифметик биржа нархини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

452-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Фойдали қазилмалар гуруҳи	Солиқ солиш объектининг номи	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Энергия манбалари	Нефть, табиий газ, газ конденсати	10
		Утилизация қилинган табиий газ, реализация қилинган ҳажми бўйича	5
		Ер остига жойлаштирилган газ	2,6
		Кўмир, ёнувчи сланцлар	4
2.	Қимматбаҳо металлар	Олтин, кумуш, палладий, платина ва платина гуруҳи, осмий ва бошқа қимматбаҳо металлар	7
3.	Рангли металлар	Мис, қўрғошин, рух, молибден, никель, кобальт, қалай, сурма, симоб, алюминий	7
		Бошқа рангли металлар	10
4.	Радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементлари	Уран, торий, радий	8
		Вольфрам	2,7
		Рений, селен, теллур, индий, висмут, тантал, ниобий, бериллий, литий, рубидий, цезий, галий, титан, цирконий, гафний, таллий, кадмий	8
		Лантан ва лантаноидлар, иттрий, скандий	8
		Бошқа радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементлари	8
5.	Нодир тош хомашёси	Феруза, лиственит, родонит, змеевик, мармар йўл-йўл ақиқ, кахолонг, яшма, халцедон, ақиқ, гематит ва бошқа қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зеб-зийнат учун тошлар хомашёси	10
6.	Қора металлар	Темир	5
		Титан, марганец, хром, ванадий ва бошқа қора металлар	4
7.	Кон-кимё хомашёси	Минерал пигментлар	5,5
		Йод	4,8
		Минерал тузлар (тош туз (овқатга ишлатиладигани), калий тузи, сульфат тузи), карбонат хомашёси (оҳактошлар, доломитлар), минерал ўғитлар (глауконит, фосфоритлар ва бошқалар) ҳамда бошқа кон-кимё хомашёси	3,5, бироқ 5 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
8.	Кон-руда хомашёси	Эрувчан шпат, дала шпати хомашёси, кварц ва кварцит, каолин (реализация қилинган ҳажми бўйича), табиий графит	7,9
		Шиша хомашёси, кварц қум, брусит мармар	3
		Тальк ва тальк тоши, талькли магнезит, волластонит, асбест, барит, вермикулит, қолиплаш хомашёси, фельзит	4
		Серпентинит ва бошқа кон-руда хомашёси	5
9.	Норуда қурилиш материаллари	Цемент ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактошдан ташқари цемент хомашёси	5
		Цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош	22 500 сўм/тонна*
		Табиий безактошдан блоклар, арраланадиган харсангтош, харсангтош, гипс тоши, гипс ва ангидрид, ганч, мармар, оҳактош-чиғаноқ, оҳактош (цемент ва оҳак ишлаб чиқариш учун мўлжалланган оҳактошдан ташқари), доломитлар, қурилишда ишлатиладиган майда тошлар, базальт, гранитлар, гранодиоритлар, граносиенитлар, сиенитлар, порфиритлар, диабаз-порфиритлар, габбро, сланец жинслари, карбонат хомашёси, травертин	5, бироқ 5 000 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
		Гишт-черепица хомашёси, лёсслар ва лёссимон жинслар, қурилиш қуми, қумтошлар, қум-шағал аралашмаси	5, бироқ 3 750 сўм/куб. м дан кам бўлмаган
		Оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактош, фарфор хомашёси, керамзит хомашёси, мергел, аргиллитлар, вулқон жинслари, пелитли туффитлар, минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт, диабаз, глиеж, андезибазальт, темир таркибли қўшимчалар, магнетит-гематитли жинслар ва бошқа норуда қурилиш материаллари ҳамда кенг тарқалган фойдали қазилмалар	5
10.	Техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар		Асосий фойдали қазилмани қазиб олганлик учун солиқ ставкасининг 50 фоизи

*) Белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ цемент ишлаб чиқарувчи заводлар, шунингдек уларга цемент хомашёси – оҳактошни реализация қиладиган солиқ тўловчилар томонидан тўланади. Цемент ишлаб чиқариш учун фақат кўмирдан фойдаланувчи заводлар учун солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади.

Агар 2021 йилнинг 1 сентябрига қадар кучга кирган битимлар ва шартномаларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, углеводородларни, қимматбаҳо, рангли ва (ёки) радиоактив металларни, нодир элементларни ва нодир ер элементларини қазиб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи, шунингдек маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида амалга оширувчи, давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналарга, агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича оширилган ставкаларни белгилаши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган солиқ ставкалари 2022 йил 1 январдан кейин қазиб олиш бошланган ер қаъри участкасида углеводородларни, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металларни, нодир элементларни ва нодир ер элементларини қазиб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи, давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналарга нисбатан ҳам қўлланилади.

453-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Қуйидагилар солиқ давридир:
юридик шахслар учун – чорак;
жисмоний шахслар учун – календарь йил.
Қуйидагилар ҳисобот давридир:
юридик шахслар учун – бир ой;
жисмоний шахслар учун – календарь йил.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3, 4-бетларда).

454-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 451 ва 451¹-моддаларига мувофиқ аниқланган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда ҳисоблаб чиқаради.

Фойдали қазилмаларнинг алоҳида турлари бўйича солиқ суммаси солиқ базасидан ва белгиланган солиқ ставкасидан, лекин белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботи ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври тугагандан кейин солиқ ҳисобида турган жойдаги, норуда қурилиш материаллари бўйича эса – қазиб олиш амалга оширилган жойдаги солиқ органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан – солиқ даври бошланганидан эътиборан ортиб борувчи якун билан ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай;

жисмоний шахслар томонидан – йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.

Солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

юридик шахслар томонидан – ҳар ойда кейинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай;

жисмоний шахслар томонидан – солиқ ҳисоботини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай»;

62) қуйидаги мазмундаги **XVIII¹ бўлим** билан тўлдирилсин:

«XVIII¹ БЎЛИМ. ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛГАНЛИК УЧУН МАХСУС РЕНТА СОЛИҒИ

64¹-боб. Фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш

454¹-модда. Солиқ тўловчилар

Қимматбаҳо, рангли ва (ёки) радиоактив металларни, нодир элементларни ва нодир ер элементларини қазиб олувчи ва (ёки) уларни техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олувчи, шунингдек углеводород хомашёсини қазиб олувчи юридик шахслар фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини тўловчилар (бундан буён ушбу бўлимда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб эътироф этилади.

Ушбу Кодекс 452-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган фойдали қазилмаларнинг тегишли гуруҳларидаги фойдали қазилмалар жумласига қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металлар, нодир элементлар ва нодир ер элементлари (бундан буён ушбу бўлимда металлар деб юритилади) киради.

Табиий газ, газ конденсати ва нефть углеводород хомашёси жумласига киради.

Ушбу Кодекснинг 69-бобига мувофиқ фаолиятини маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида амалга оширувчи юридик шахслар солиқ тўловчи ҳисобланмайди.

454²-модда. Солиқ солиш объекти

Ушбу Кодекснинг 454³-моддасида белгиланган тартибда аниқланадиган, қазиб олинган (ажратиб олинган) металлни ёки углеводород хомашёсини реализация қилишдан олинган рента даромади фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солиш объектидир.

454³-модда. Рента даромади

Қазиб олинган (ажратиб олинган) металларни ёки углеводород хомашёсини реализация қилишдан олинган, ушбу Кодекснинг 176-моддаси талаблари ҳисобга олинган ҳолда баҳога қўшимча қиймат солиғини ва акциз солиғини киритмай аниқланадиган, битим тарафлари томонидан қўлланилган баҳодан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган даромадлар ҳамда уларни қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ рента даромади деб эътироф этилади.

Рента даромади бирламчи ишлов беришдан (саноат йўсинида дастлабки қайта ишлашдан, рудани бойитишдан) ўтган ва реализация қилиш учун яроқли бўлган металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) фаолияти доирасида аниқланади.

Агар солиқ тўловчи рудадан (концентратлардан) металларни ажратиб олишни ёки қазиб олинган углеводород хомашёсини мустақил равишда ёхуд қайтариш шарти билан қайта ишлашга бериш асосида қайта ишлашни амалга оширса, металларни ёки углеводородларни реализация қилишдан олинган даромадлар уларга кейинчалик ишлов бериш, уларни қайта ишлаш ва транспортда ташиш учун солиқ тўловчи томонидан қилинган харажатлар чегириб ташланган ҳолда, уларни қайта ишлаш маҳсулотларини реализация қилиш баҳосидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида металларга ва углеводород хомашёларига ишлов бериш ҳамда уларни қайта ишлаш объектларини қуриш харажатларини ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган капитал харажатлар жумласига киритиш назарда тутилган бўлса, металлар ва углеводород хомашёларининг айрим турлари бўйича уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни реализация қилишдан олинган даромадга уларни кейинчалик қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар киритилиши мумкин.

Харажатлар қилинган солиқ даврида чегириб ташланиши лозим бўлган, реализация қилиш учун яроқли металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) учун зарур ва етарли бўлган капитал ҳамда операцион харажатлар металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ харажатлар деб эътироф этилади. Бунда капитал харажатлар (шу жумладан асосий воситаларни ва номоддий активларни яратиш ёки олиш, инфратузилмани яратиш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадлар учун харажатлар), агар улар ер қаъри участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқи учун тегишли рухсатнома ёки лицензия олинган ер қаъри участкасини (бундан буён матнда лицензияланган участка деб юритилади) ўзлаштиришнинг технологик шартларида назарда тутилган бўлса, ушбу технологик шартларда назарда тутилган тартибда ва нормативлар доирасида ҳисобга олинади.

Ушбу бўлим мақсадида операцион харажатлар деганда ҳужжатлар билан тасдиқланган ва асослантирилган барча харажатлар тушунилади, бунда ушбу харажатларни амалга оширмай туриб, металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олишга (ажратиб олишга) ва уларни бирламчи қайта ишлашга доир ишлаб чиқариш жараёни имконсиз ёки қийин бўлади.

Операцион харажатлар жумласига, хусусан, қуйидагиларга доир харажатлар киради:

1) зарур хомашёни, материалларни, иссиқлик ва бошқа энергия ресурсларинисотиб олишга;

2) инвентарга, хўжалик буюмларига, амортизация қилинадиган мол-мулк бўлмаган бошқа мол-мулкка;

3) солиқ тўловчининг технологик, транспортга оид, бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган ёқилғи, энергиянинг барча турлари, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун энергиянинг барча турларини ишлаб чиқиш, шу жумладан солиқ тўловчининг ўзи томонидан ишлаб чиқиш, шунингдек энергияни трансформация қилиш ва узатиш харажатлари;

4) лицензиялар учун ҳақ ва ижара тўловларини тўлашга;

5) ушбу Кодекснинг 371 – 374-моддаларида назарда тутилган ходимлар (шу жумладан чет эл ташкилотларининг жалб этилган ходимлари) меҳнатига ҳақ тўлашга;

6) қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган харажатларга;

7) металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) операциялари доирасида тўланган солиқлар ва йиғимларга ҳақ тўлашга;

8) четдан жалб қилинган юридик ёки жисмоний шахслар томонидан бажарилган ишлар ва хизматларга ҳақ тўлашга.

Операцион харажатлар жумласига, хусусан, қуйидагиларга доир харажатлар кирмайди:

1) амортизацияга, шу жумладан инвестицион чегирмага (объектнинг тугатиш қиймати чегирилган ҳолда);

2) маркетинг ва реклама тадбирларига;

3) илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига;

4) юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки шунга ўхшаш бошқа органи) аъзолари, маъмурий ходимлар ва маслаҳатчилар меҳнатига ҳақ тўлашга;

5) солиқ тўловчининг айби билан юзага келган фавқулодда ҳолатларни бартараф этишга;

6) ходимларнинг малакасини оширишга, мобиль алоқа ва интернетга;

7) захираларни ташкил этишга ва суғурта қилишнинг ихтиёрий турларига;

8) молиявий фаолият бўйича фоизларни ёки бошқа харажатларни, шу жумладан капитал харажатлар қийматига киритилган фоизларни тўлашга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси металларни ва углеводород хомашёларини қазиб олиш (ажратиб олиш) бўйича алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида мазкур харажатлар қилинган, солиқ даврида чегириб ташланиши лозим бўлган, капитал ва операцион харажатлар жумласига кирадиган харажатлар рўйхатини тўлдиришга ҳақли.

Рента даромадини аниқлашда металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ бўлмаган, хусусан молия бозорларидаги операциялардан, шу жумладан хеджирлаш операцияларидан олинадиган, шунингдек фоизлар ва дивидендлар тарзидаги, шу жумладан капитал харажатлар қийматига капитализация қилинадиган фоизлар тарзидаги даромадлар ва харажатлар ҳисобга олинмайди.

Рента даромадини аниқлаш чоғида учинчи шахслар томонидан амалга оширилган харажатлар ҳам ҳисобга олинмайди, ҳар қандай турдаги бюджет субсидиялари эса рента даромадига киритилади.

Бир неча лицензияланган участкада металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи солиқ тўловчи ҳар бир бундай участкага нисбатан рента даромадини алоҳида аниқлаши шарт. Бунда солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 80-моддаси талабларига мувофиқ тўғридан-тўғри ҳисоб усулидан фойдаланган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шарт.

Бир неча лицензияланган участкада амалга оширилаётган металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) бўйича фаолият, агар унда кўрсатилган лицензияланган участкаларни ўзлаштиришнинг технологик шартларида металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ва (ёки) уларни кейинчалик қайта ишлаш учун ягона технологик лойиҳа назарда тутилган бўлса, лицензияланган битта участкада амалга оширилаётган фаолиятга тенглаштирилиши мумкин (бундан буён матнда лицензияланган участкалар гуруҳи деб юритилади). Бунда солиқ тўловчи ҳар бир лицензияланган участкада амалга оширилаётган металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) бўйича фаолиятни битта участкада амалга оширилаётган фаолиятга тенглаштириш тўғрисидаги қарорни унда лицензияланган участкалар рўйхатини кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бундай қарорни келишишнинг қўшимча шартлари ва тартибини белгилашга ҳақли. Қарорда кўрсатилган лицензияланган участкалар рўйхати унга қўшимча участкаларни киритиш ҳисобига кенгайтирилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган қарорда кўрсатилган, илгари рўйхатга киритилган, лицензияланган участкада фойдали қазилмаларни (металларни ёки углеводород хомашёсини) қазиб олиш ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани (лицензияни) қайтарган, ундан ўзганинг фойдасига воз кечган ёки уни сотган тақдирда, бундай участка ушбу рўйхатдан чиқарилиши лозим, бундай реализация қилишдан олинган даромадлар эса унинг рента даромадини оширади.

Агар активларни яратишга (олишга) сарфланган харажатлар капитал харажатлар таркибида ҳисобга олиниб, улар кейинчалик бошқа шахсларга реализация қилинса (берилса) ёки улардан қайси лицензияланган участка учун яратилган (олинган) бўлса, ўша лицензияланган участка билан бир технологик лойиҳага киритилмаган бошқа лицензияланган участкаларда фойдаланилса, бундай реализация қилишдан олинган даромадлар рента даромадини оширади.

Солиқ тўловчи рента даромадини ҳар бир лицензияланган участкага нисбатан металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олган кундан эътиборан ҳар бир солиқ (ҳисобот) даври натижалари бўйича мустақил равишда аниқлайди.

Рента даромадини аниқлаш чоғида тарихий харажатлар ушбу Кодекснинг 454⁴-моддасида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида харажатлар таркибига киритилади.

Агар рента даромадини аниқлашда натижа салбий бўлиб қолса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган харажатлар ва даромадлар ўртасидаги ижобий фарқ рента зарари деб эътироф этилади.

454⁴-модда. Солиқ базаси

Рента даромадининг суммаси солиқ базаси ҳисобланади, рента зарари мавжуд бўлганда эса солиқ базаси нолга тенг деб эътироф этилади.

Солиқ базаси ушбу Кодекснинг 454³-моддасида ўзига нисбатан рента даромадини аниқлаш назарда тутилган ер қаърининг ҳар бир лицензияланган участкаси (лицензияланган участкалар гуруҳи) бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ базаси солиқ даври бошланганидан эътиборан ўсиб борувчи якун билан аниқланади.

Металларни ва углеводород хомашёсини қазиб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар солиқ базасини АҚШ долларида аниқлаш ҳуқуқига эга.

Агар биринчи солиқ даври якунларига кўра рента зарари олинган бўлса, солиқ тўловчи бундай зарар миқдорини кейинчалик «жамғарилган рента зарари» махсус ҳисобварағида АҚШ долларида, ушбу модданинг олтинчи қисмига мувофиқ белгиланадиган валютанинг ўртача йиллик алмашув курси бўйича ҳисобга олишга ҳақли. Бунда ҳар бир кейинги солиқ даврида ушбу ҳисобварақда ҳисобга олинадиган сумма жорий йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра АҚШ долларида номинация қилинган, 2 фоизлик пунктга оширилган, тўланиш муддати ўн йил (2031 йилгача) бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро облигацияларининг даромадлилигидан келиб чиқиб аниқланадиган коэффициентга оширилади.

Солиқ даври учун ўртача йиллик курс солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий солиқ даврида 1 январь ва 31 декабрь учун белгиланган курсларини қўшиш чоғида олинган суммани 2 га бўлиш йўли билан аниқланади.

Металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олинган кундан эътиборан бошланадиган солиқ даври солиқ тўловчи лицензияланган муайян участкага (лицензияланган участкалар гуруҳига) нисбатан солиқ базасини аниқлаши шарт бўлган биринчи солиқ даври деб эътироф этилади. Агар бунда кўрсатилган рухсатнома (лицензия) 1 июлдан кейин олинган бўлса, металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олинган санадан кейинги календарь йилнинг 31 декабрига қадар бўлган вақт ушбу лицензияланган участкага нисбатан биринчи солиқ даври деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи тарихий харажатларни биринчи солиқ даврининг харажатларига киритишга ҳақли.

Солиқ тўловчи томонидан металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олинган санага қадар ҳақиқатда амалга оширилган ва тегишли лицензияланган участка билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, хусусан, қуйидагиларга доир харажатлар тарихий харажатлар жумласига киради:

1) геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олишга ва (ёки) металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) учун рухсатнома (лицензия) олишга, шунингдек металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқини олишга;

2) ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишга;

3) металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) учун тайёргарлик ишларига.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида кўрсатилган харажатларни амалга ошириш санаси бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Агар яратиш (олиш) харажатлари капитал харажатлар таркибида ҳисобга олинган активлардан кейинчалик металлни ёки углеводород хомашёсини қазиб олишга (ажратиб олишга) доир ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан бир йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланилмаса, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган коэффициент уларни олиш харажатларига нисбатан қўлланилмайди.

Агар солиқ даври якунлари бўйича рента даромади олинган бўлса, солиқ базаси жамғарилган рента зарари суммасига камайтирилади, рента даромади жамғарилган рента зararининг тўлиқ суммаси ўрнини қоплаш учун етарли бўлмаганда эса – рента даромади суммасига камайтирилади. Бунда жамғарилган рента зарари суммаси рента даромадини камайтиришга қаратилган суммага камайтирилади.

Солиқ даври рента даромади билан тугаганидан кейин солиқ тўловчи капитал харажатларни амалга оширган ва ҳисобот солиқ даври якунлари бўйича рента зарарини олган ҳолларда, бу зарар «жамғарилган рента зарари» махсус ҳисобварағига киритилади ва унга нисбатан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда кейинги солиқ даврида «жамғарилган рента зарари» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган сумма ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган миқдорда коэффициент билан ҳам индексация қилинади.

Агар жамғарилган рента зарари тўланганидан ва рента даромади шаклланганидан кейин солиқ тўловчида янгидан рента зарари юзага келса, кўрсатилган зарарнинг ўрни мазкур модданинг ўн иккинчи – ўн тўртинчи қисмларида белгиланган тартибга ўхшаш тартибда қопланади.

Металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи бир юридик шахсдан бошқасига ўтказилганда, сотилган санада биринчи юридик шахсда мавжуд бўлган рента зararининг қолдиғи ушбу модданинг бешинчи қисмида аниқланадиган коэффициент ҳисобга олинган ҳолда иккинчи юридик шахсга ўтади.

Металларни ёки углеводород хомашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатноманинг (лицензиянинг) амал қилиш даврида ўрни қопланмаган жамғарилган рента зарари солиқ тўловчига компенсация қилинмайди.

Солиқ тўловчи рента даромадига (рента зararига) тегишли харажатлари ва даромадларининг ҳисобини юритиши ҳамда улар бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиши, шунингдек мажбурий аудитдан ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳар йили мазкур харажатлар ва даромадларнинг аудитини амалга ошириши шарт.

454⁵-модда. Солиқ ставкалари

Минимал солиқ ставкаси, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, солиқ базасига нисбатан 25 фоиз миқдорида белгиланади.

Ер қаъри участкасидан геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланиш ёки аҳамиятли тижорат салоҳиятига эга бўлган, аввал қидирув ўтказилган ер қаъри участкасида алоҳида объектлар бўйича металларни ёхуд углеводород хомашёсини қазиб олиш ҳуқуқи танлов савдоларига қўйилганда, танлов савдоларининг ташкилотчиси ёки танлов савдоларининг иштирокчилари солиқ ставкасининг оширилган миқдорини таклиф қилишга ҳақли. Бунда солиқ тўловчи солиқларни оширилган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради.

454⁶-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ даври ҳисобланади.
Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

454⁷-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқ тўловчилар солиқни мустақил равишда, ушбу Кодекснинг 454⁴-моддасига мувофиқ аниқланган солиқ базасидан ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради. Бунда чет эл валютасида ифодаланган солиқ базаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг солиқ ҳисоботини тақдим этиш санасида белгиланган курси бўйича миллий валютада қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Солиқ ҳисоботи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига солиқ тўловчи томонидан ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври тугаганидан кейин қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

рента зарари мавжуд бўлган даврда – йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай;

солиқ базаси мавжуд бўлган даврда – ҳар чоракда, ортиб борувчи якун билан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай.

Солиқни тўлаш ҳар чоракда кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай амалга оширилади»;

63) **65-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**65-боб. Йиғимлар**»;

64) **455-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**455-модда. Йиғимларнинг турлари**

Йиғимлар жумласига қуйидагилар киради:

1) чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим;

2) алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар, жумладан:

алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғим;

умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш учун йиғим»;

65) **455¹-модда** чиқариб ташлансин;

66) **456 – 458-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**456-модда. Солиқ тўловчилар**

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки улардан фойдаланувчилар ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимнинг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш корхоналари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш бошланганлиги ҳақида ваколатли давлат органи хабардор қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномага эга бўлган юридик шахслар алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимнинг солиқ тўловчилари деб эътироф этилади.

457-модда. Солиқ солиш объекти

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзити йиғимларнинг солиқ солиш объектидир.

458-модда. Солиқ базаси

Чет давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганда ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтаётганда солиқ базаси ҳисобланади»;

67) **459-модда** чиқариб ташлансин;

68) **460-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«460-модда. Йиғимларни тўлаш тартиби

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганда ундирилади.

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборилган пайтдан эътиборан тўланади. Бунда хабарнома жорий ойнинг йигирманчи санасига қадар юборилганда йиғим ушбу ой учун тўлиқ ҳажмда, хабарнома жорий ойнинг йигирманчи санасидан кейин юборилганда эса кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади.

Агар алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан реализация қилиш бир нечта стационар савдо ва (ёки) умумий овқатланиш пунктлари орқали амалга оширилса, алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар белгиланган ставкалар доирасида стационар савдо ва (ёки) умумий овқатланиш пунктларининг сонига, шунингдек уларнинг ҳар бири жойлашган ҳудуд ўлчамларига мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ундирилади.

Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш фаолияти тўхтатиб турилганда ёки тугатилганда йиғимни ҳисоблаб чиқариш кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатиб турилади.

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда олдиндан тўлов тарзида, жорий ойнинг ўнинчи санасига қадар тўланади.

Алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади»;

69) **460¹-модда** чиқариб ташлансин;

70) **461-модданинг иккинчи қисми**:

3-бандидаги «эллик гектар» деган сўзлар «йигирма беш гектар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **11**, **12** ва **13-бандлар** билан тўлдирилсин:

«11) солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотларига;

12) аудиторлик ташкилотларига»;

13) нотижорат ташкилотларига, шу жумладан бюджет ташкилотларига»;

71) **462-модда**:

ўн иккинчи қисмидаги «хулоса киритилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб» деган сўзлар «хулоса чиқарилган ойдан кейинги ойнинг санасидан эътиборан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи қисмидаги «хулосаси чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан» деган сўзлар «хулосаси чиқарилган санадан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи қисмидаги «шартнома расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан» деган сўзлар «шартнома тузилган санадан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи – йигирманчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб киришни (импортни) амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қайси сана олдинроқ келишига қараб импорт шартномаси тузилган ёки товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳамда фойда солиғини тўлашга ўтади.

Ушбу Кодекс 461-моддаси иккинчи қисмининг 2, 4, 5, 9 ва 11-бандларида назарда тутилган шахслар тегишли рухсатномаларни (лицензияларни) олган ёки ўз фаолиятини бошлаганлиги тўғрисида ваколатли органни хабардор қилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳамда фойда солиғини тўлашга ўтади.

Қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи юридик шахсларда йигирма беш гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экинлари мавжуд бўлган тақдирда, улар кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқни ёки ушбу ер участкасининг майдони ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Бозорлар ва савдо комплекслари, нотижорат ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан, бюджет ташкилотлари эса ташкил топган санадан эътиборан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузилган санадан бошлаб қўшилган қиймат солиғини ҳамда фойда солиғини тўлашга ўтади»;

ўн бешинчи қисми йигирма биринчи қисм деб ҳисоблансин;

72) **469-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ой ҳисобот давридир»;

73) **477-модда биринчи қисмининг**:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

74) **482-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий овқатланиш корхоналарига айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 2021 йил 15 август ҳолатига кўра юзага келган қарздорликни, шунингдек барча солиқлар ва йиғимлар бўйича жарималар ҳамда пеняларни 2022 йил 1 январдан 1 июлга қадар бўлган даврда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда фоизларни тўламасдан, тенг улушларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилади»;

75) **483-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 сентябрдан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.

Республика туманларида (бундан Тошкент шаҳри мустасно) фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида қўлланилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддаси 20-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари 2022 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 47-бандининг ва 50-банди еттинчи – ўнинчи хатбошиларининг қоидалари 2021 йил 1 октябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 62-бандининг қоидалари металларни ва углеводород хомашёсини қазиб олиш 2022 йил 1 январдан кейин бошланадиган лицензия олинган ер участкаларига нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 74-бандининг қоидалари 2021 йил 15 августдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 75-банди иккинчи хатбошисининг қоидалари 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 декабрь
№ ЎРҚ–741

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2021 йил 30 декабрь

ДЕПУТАТЛАР ВАЗИРНИНГ ЖАВОБИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАШДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар "Ёшлар технопаркларини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган қуйи палатанинг парламент сўровига инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмоновнинг жавобини кўриб чиқди.

Парламент назорати

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, мамлакатимизнинг барча ҳудудида иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилган. Ҳозирги кунда унинг аъзолари сони 2 минг 600 нафарга етди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 июлдаги "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида "Ёш олимлар академияси" ташкил этилди.

Ёшлар академиясининг 4 та платформаси ("Fоялар генератори", "Стартаплар", "Бизнес вакиллари" ва "Бўлажак академиклар") аъзолари геология, биология, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, дастурлаш, саноат дизайни ва 3D моделлаштириш соҳаларида ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Академия томонидан "Akfa group"нинг технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз ривожланиши учун устувор бўлган соҳалар, шунингдек, сунъий интеллект соҳаси бўйича муаммонинг ечимига қаратилган соғлиқни сақлаш, фантаълим, саноат ва ижтимоий йўналишлардаги "Urban.Tech Uzbekistan" ҳакатон мусобақаси уюштирилди. Танлов комиссияси томонидан энг юқори баҳоланган лойиҳалар муаллифларига 37,5 миллион сўм миқдорида мукофот, эсдалик совғалари ва сертификатлар, лойиҳаларни янада ривожлантириш учун "Бўлажак олим" танловида қатнашишга йўлланмалар тақдим этилди.

Ижтимоий мослашуви учун зарур шароитларни яратиш бўйича Ёшлар академияси "Shinsedae" ёшлар маркази ва "Yaran Consulting" компанияси билан ҳамкорликда "2020 йилги 20 та энг яхши стартап" лойиҳалар танлови ғолиблари учун акселерация дастури ташкил этилди.

Ёшлар академияси фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда ҳудудларда иқтидорли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида мунтазам равишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари билан ҳамкорликда мусобақалар, танловлар ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Вазирнинг парламент сўровига берган жавобига кўра, ҳудудлардаги иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда 2021 йилда уч босқичли "Учинчи Ренессанс — ёшлар нигоҳида" республика танлови ташкил этилиб, 3 та йўналиш бўйича энг яхши лойиҳа эгалари 50 миллион сўм грант пуллари билан тақдирланган.

Шу билан бирга, ёшларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намоён қилиши ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитларни яратиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш мақсадида республика ҳудудларида Ёшлар технопарклари ҳамда бошқа қатор инновацион инфратузилмалар босқичма-босқич ишга туширилмоқда.

Эътиборли жиҳати, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка қизиқтириш, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, касб-ҳунарга ўргатиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш мақсадида Сирдарё вилоятида Бизнес-акселератор ташкил этилди. Бугунги кунга келиб Бизнес-акселераторда, жами 431 нафар ёшга илмий технологияларда касб-ҳунар ва чет тилларини ўргатиш бўйича хизматлар кўрсатилди.

2019 — 2021 йиллар давомида 104 та стартап лойиҳа молиялаштирилган. Амалга оширилган лойиҳалар натижасида 959 та янги иш ўрни яратилган.

Мажлисда инновацион ривожланиш вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида халқ вакиллари бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Ҳусановнинг "Ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитди.

Эшитув

Ахборотда келтирилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Давлат томонидан меҳнат бозоридаги тенденциялардан келиб чиқиб, янги иш ўринлари яратиш билан биргаликда ишсиз аҳолини иш билан таъминлашнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиб, уларни касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш, субсидия ва грантлар ажратиш, тадбиркорликка ўргатишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, соҳада олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг 10 ойи давомида 381 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, бандлик органлари томонидан 792 минг иш билан банд бўлмаган шахсларга бандлик хизматлари кўрсатилди. Бунинг учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармасидан 432 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бандлик хизматлари кўрсатилган фуқароларнинг 324 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, ушбу мақсадларда 185 млрд. сўм маблағ молиялаштириб берилди.

Шунингдек, 342,2 минг нафар ишсиз фуқаро мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, 33,9 минг ишсиз, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган шахсларга 74,1 млрд. сўм субсидиялар ажратилди.

Тақдим этилган ахборотга кўра, ишлаб чиқариш кооперативларига 11,1 минг нафар ишсиз бириктирилди, уларга кооперативларнинг устав фондига аъзолик улуши сифатида 23,4 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилди. Жорий йилнинг январь — октябрь ойлари давомида 103 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга жалб этилди.

Шу билан бирга, ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ишсиз аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, вазирлик тасарруфида банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи 16 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 59 та туман ва шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 136 та маҳаллада касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди.

Эътиборли томони, "Future Skills Uzbekistan" ва "Бир миллион дастурчи" лойиҳалари доирасида 5,2 минг нафар ёш IT-касбларга, "Ёшлар 1+1" ва "Тадбиркор аёл" лойиҳаси доирасида 6,4 минг нафар йигит-қизлар тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитилди. "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз 92 минг нафар ёшнинг бандлигига кўмаклашилди.

Мажлисда депутатлар соҳада эришилган ютуқларни эътироф этиб, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар бажарилишини тизимли асосда мониторинг қилиш, аҳолини ишли қилиш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга тааллуқли қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берди.

Мажлисда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

САРҲИСОБ ВА УСТУВОР РЕЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

1

2021 йил иккинчи ярим йиллигида Марказий сайлов комиссияси фаолияти, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилди. Сайловни миллий қонунчилик ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ, эркин ва демократик, очиқ ҳамда ошкора тарзда ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан барча ташкилий чоралар кўрилди. Белгиланган тадбирларнинг муддатида ва юқори даражада бажарилиши таъминланди.

Сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида махсус йўриқнома ишлаб чиқилди. Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш ҳақидаги концепцияга мувофиқ, комиссиялар аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини янада юксалтириш мақсадида каскад усулида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, сайлов комиссиялари фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати билан ишлашда хато-камчиликларга йўл қўймаслик ҳамда "Бир сайловчи — бир овоз" тамойилини таъминлаш мақсадида Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими операторларини тайёрлаш бўйича каскад усулидаги ўқувлар ўтказилди. Сайлов кампанияси даврида фуқароларга ўз сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича интерфаол хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Марказий сайлов комиссиясининг янгиланган расмий веб-сайти ҳамда Ўзбекистон Респбликаси Президенти сайловига бағишланган saylov2021.uz ахборот веб-портали ишга туширилди. Сайлов комиссиялари аъзолари ва сайловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида сайловга оид барча маълумотларни ўз ичига қамраб олган махсус "Saylov-2021" мобиль иловаси ишлаб чиқилди.

Фуқароларни сайлов тўғрисида хабардор қилиш, уларнинг электорал маданиятини юксалтириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан республика бўйича кенг кўламли ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Ахборот материаллари бир неча тилларда чоп этилиши, шунингдек, расмий веб-сайтга жойлаштирилиши таъминланди. Имконияти чекланган сайловчиларнинг сайловда тўлақонли иштирокига эришиш мақсадида қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Сайлов жараёнларида оммавий ахборот воситалари ва кузатувчилар фаолияти учун барча шароитлар яратилди. Кампания даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг минтақавий бўлинмаларида малакали журналистлар ва экспертлар фаолият юритди.

Сайловни кузатган ЕХҲТ ДИИҲБ ўзининг дастлабки хулосасида COVID-19 пандемияси билан боғлиқ муаммоларга қарамай, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда профессионал ва самарали амалга оширди, илк бор очиқ мажлислар ўтказиб, қарорларини ўз вақтида эълон қилди, бу билан эса у сайлов жараёнининг ошкора бўлаётганлигини кўрсатиб берди, деб таъкидлади.

Бу эътироф бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига мамлакат миқёсида кўрилган тайёргарликка берилган муносиб баҳо бўлди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил иккинчи ярим йилликда амалга оширилган ишлари юзасидан тайёрланган ахборот кенг муҳокама қилиниб, комиссия аъзолари томонидан маъқулланди. Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПОЙТАХТИМИЗДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМА-САВДОСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан турли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг Сайилгоҳ кўчасида "Broadway Craft Bazar Tashkent — 2021" ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси очилди.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган суратлар.

Шукуҳ

Очилиш маросимида "Ҳунарманд" уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган моҳир ва тажрибали уста-ҳунармандлар, юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар, кенг жамоатчилик вакиллари, журналистлар қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, ҳунармандларни моддий, маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мазкур ярмарка ҳам уста-ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, соҳада "Уста — шогирд" мактабларини равнақ топтириш ва янги иш жойларини яратиш, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада тараққий эттириш, шунингдек, Янги йил байрами арафасида юртимиз аҳолисига ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиб олиш учун шароит яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Кўргазма доирасида 18 та ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо дўкони ўз иш фаолиятини бошлади. Уларда ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, заргарлик, кулолчилик, миллий либослар тайёрлаш, миниатюра, рангтасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар, кандакорлик, мискарлик каби йўналишларда ҳунар сирлари намойиш этилмоқда, буюм ва маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилган.

Кўргазма-савдода моҳир ҳунармандларнинг ноёб асарларини томоша қилиш билан бирга, уларни сотиб олиш мумкин. Бу асарлар табиий маҳсулотлардан қўлда тайёрланган бўлиб, уларда ҳунарманднинг қалб қўри, кўз нури ҳамда халқимизнинг орзу-истаклари, асрий қадрият ва анъаналари мужассам топган.

Кўргазма-савдо 2022 йил 10 январгача давом этади.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

ОГОҲЛИК БОРАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

1

Ишчи гуруҳи йиғилишида мазкур ҳужжатни Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш, лойиҳанинг қабул қилиниши билан кутилаётган натижалар бўйича фикр алмашилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда. Мазкур нормада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик сифатида очиқланиши лозим бўлган маълумотларни эълон қилиш тартибига риоя этмаслик, маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки уларни очиқ маълумотлар порталига ҳамда расмий веб-сайтларга жойлаштиришнинг белгиланган муддатларига амал қилмаслик ҳолатлари назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда судга тақдим этиш ваколатига эгалиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг очиқлик борасида белгиланган мажбуриятларини бажаришдаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

БИР ДОЛЛАРЛИК ХОМ АШЁДАН ЎН ДОЛЛАРЛИК ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЯРАТИЛАДИ

1

Сўз юритилаётган ушбу кластернинг яна бир ўзига хос жиҳати ҳақида ҳам тўхталиш зарур. Гап шундаки, яқин истиқболда ушбу кластер тизимидаги корхоналарда бир долларлик хом ашёдан ўн долларлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади.

Шунингдек, янги очилган ҳамда қурилишига старт берилган бу иккала корхона нафақат ўзининг маҳсулоти орқали, балки бошқа саноат соҳаларида 100 миллион долларлик бутловчи ва эҳтиёт қисмлар бозорини шакллантириб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Умуман, бирин-кетин ноёб лойиҳалар ишга туширилмоқда. Бу юртимиз ва халқимизнинг эртанги куни янада порлоқ бўлишидан далолатдир.

Шермат ШАМСИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

1

Мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий йўналишлар билан бир қаторда, ижтимоий соҳада ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди. Истиқлол йилларида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар ҳажми 5 баробар кўпайтирилди. Ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларидаги вазифалар ижросига йўналтирилмоқда. Жамият ижтимоий ҳаётининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия бўлиб, унинг ривожи сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий йўналишларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳа меъёрий моҳиятини, камолот даражасини белгилаб беради.

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати маъно-мазмуни ва долзарблигидан келиб чиқиб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, янги таълим тизими, баркамол авлод кадрларини тайёрлашдаги ўзгаришлар ва янгича ёндашувлар, замонавий касб соҳаларининг пайдо бўлгани ҳамда унинг мамлакатимиз шароити билан боғлиқлиги бўлса, иккинчидан, "таълим" тушунчаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида муайян даврдан бошлаб, инсон фаолиятининг алоҳида мустақил соҳасига айланиб, жамиятнинг ижтимоий тажрибасини кейинги босқичга узатади.

Қолаверса, таълим инсон шахсининг интеллектуал-маънавий қирраларини шакллантириш, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, маърифат ҳамда билим беришни англатади. Шунингдек, фан жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири сифатида катта илмий салоҳиятни, ижодий куч-қувватни бирлаштиради, маънавий баркамол инсонни тарбиялашга, мамлакатда қудратли илмий салоҳиятни яратишга хизмат қилади.

Барчаси илмга боғлиқ

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳиятга боғлиқ. Тоталитар тузум давридаги сохта билимдонлик республика аҳолисини ҳам четлаб ўтмади. Билимли бўлиш, кўпроқ миқдор жиҳатидан белгиланди. Эндиликда эса ривожланган мамлакатлардаги билимдонлик даражасига миқдор эмас, сифат жиҳатидан етишиш масаласи қўйилиб, бугунги кунда унга бирмунча эришилмоқда.

Ҳар бир мамлакат, жамият тараққиёти у ерда илму фаннинг нечоғли ривож топгани билан боғлиқ. Илмга ва уни ўрганишга қаратилаётган эътибор ўша давлатнинг эртанги кунини белгилаб беради.

Илм — ақл нуридир. У инсонларни борлиқни ҳис қилиш, воқеликни идрок этиш, маънавий ва моддий оламни англашга, тафаккурини шакллантиришга ундайди. У инсонларга бахт келтиради, ёруғликка чорлайди, жаҳолатдан йироқлаштиради. Зиёли инсонлар жамиятнинг етакчилари ҳисобланади.

Билим тўғрисида халқимизнинг жуда кўп мақол ва иборалари мавжуд. Масалан, билим олишнинг эрта-кечи бўлмайди, дейди доно халқимиз. Яна "Илм олиш игна билан қудуқ қазиш", деб бежиз таъкидланмайди. Илм — чексиз олам, тубсиз қудуқдир. У ҳадсиз, уни тўлиқ эгаллашга умрлар етмайди, керагини ўқиш илм ўрганувчининг маҳоратига, тажрибасига, сабр-тоқатига ва албатта, устозу муаллимлар кўрсатмаларига боғлиқ.

Маърифатга эга бўлмай туриб мақтаниш бу, жаҳолатдир. Шунинг учун донолар айтадики, "Илм эгарланган отдир — билганга дўст, билмаганга душман".

Таъкидлаш керакки, тарихда ҳам илмсизлик оқибатида юзага келаётган муносабатлар низоларга айланиб, жамиятнинг тараққиётига раҳна солган. Илмли инсонлар яшайдиган, истиқомат қиладиган, фаолият юритадиган маконлар чароғон ҳисобланса, маърифатсизлар макони, уларнинг истиқомат манзили зимистондир. Улар илмли инсонларга ҳамиша ҳасад кўзи билан боқади, улар орасига турли нифоқлар солиб, обрў ва манфаат топишга ҳаракат қилишади.

Илмли инсоннинг сўзи равон, аниқ ва тушунарли бўлади, илмсиз одамда ишончсизлик кучли, нутқида мавҳумлик кўпроқ сезилади. Жоҳил кимса аниқ бир манфаатни кўзлаб илм йўлида юрсада, манфаатга эришганидан сўнг шу илмга содиқликни йўқотади, илмнинг соф фазилатларини сохталаштириб, янги фойда сари одимлайди. Бундай инсонлардан йироқда юришни кўпчилик ўзига жоиз, деб билади.

Ғам-ғуссага ботирувчи иллат

Немис ёзувчиси Эрих Мария Ремарк шундай деган: илмсизлик инсонни эркин қилади ва лекин ғам-ғуссага ҳам ботиради.

Бугунги жаҳон тараққиёти даврида бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи илмий ютуқлар, янги технологияларни жадал ўзлаштириш ва самарали бошқаришга асосланадиган ўзгаришлардир.

Мамлакатимиз интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш бўйича Илм-фанни 2030 йилга ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган.

2020 — 2023 йилларда республикамизнинг 13 та ҳудудида "Ёшлар технопарки"ни босқичма-босқич ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, Навоий ва Бухоро, Самарқанд вилоятларида фаол йигит-қизлар иштирокида Ёшлар академиясининг учрашувлари ўтказилди.

Ёшлар академияси аъзолари сони 1,5 минг нафарга етди. 2020 йилда энг яхши 20 та "Стартап лойиҳалар" танлови эълон қилинди. Вилоятларда 15 нафар лидер танлаб олинди, 40 та тадбир ўтказилди, Ёшлар академиясининг 200 нафарга яқин аъзоларининг иқтисодий билимларини ривожлантириш бўйича маҳорат дарслари уюштириш режалаштирилган.

Ёш олимларнинг етакчи хорижий ташкилотларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкил этиш мақсадида 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 5 та танлов эълон қилинди ва натижаларига кўра, вазирлик ва идоралардан тавсия этилган 488 нафар номзоднинг рўйхати шакллантирилди. Шундан, 52 нафари экспертлар томонидан маъқулланди, 27 нафар номзодни илмий стажировкаларга юбориш рад этилди, 409 нафар номзодни саралаш танловлари давом этмоқда.

Бу ривожланишлар замирида бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳолати дунёнинг айрим давлатларига нисбатан анча юқорилигини эшитишнинг ўзи қувонарли. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Ҳолатни янада яхшилаш учун имкониятлар мавжуд экан ундан унумли фойдаланиш лозим. Жумладан, ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда саноат ва қишлоқ хўжалигининг зарур йўналишларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, асосан, ўша ҳудуд раҳбарларининг ташаббуси ва ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Раҳбар ходимлар четдан нафақат сармоя, балки сармоядорларни жалб қилиш учун барча шароит ва имкониятларни ишга солиши керак.

Илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши, глобал дунёда рақобатнинг ортиши шароитида ҳар бир давлат ва жамиятнинг бу жараёнда рақобатбардошлиги ёшларнинг интеллектуал ривожи ҳамда уларнинг истеъдоди ва қобилиятларини тўлиқ амалга оширишига эътибор беришга боғлиқ бўлади.

Абдулла Авлонийнинг шундай гапи бор: "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур". Шундай экан, одам қанчалик кўп китоб мутолаа қилса, унинг нафақат фикрлаши, балки ахлоқи ва одоби ҳам гўзаллашади. Бугунгидек бир замонда, яъни давр шиддати кутиб турмайдиган бир пайтда бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда ёшлар — эртанги кун эгалари елкадаги масъулиятли бурчини чуқур англамоғи даркор.

Одил НОРБОЕВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Истиқболли изланишлар ва қўшимча таълим маркази бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

1

Шуларга мос равишда 22 та хорижий давлатнинг 60 та олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда икки томонлама дипломлар бериш кўзда тутилган 300 дан ортиқ қўшма таълим дастурлари жорий этилди. Улар асосида 2018 йилда 15 та, 2021 йилда 58 та олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Тадбирда соҳада мавжуд айрим камчиликлар, масалан, баъзи олий таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик талаб даражасида эмаслиги ҳамда кредит-модуль тизимини тўлақонли амалиётга татбиқ этиш ва у тўғрисида ўқитувчиларда тушунча мукаммал шакллан-магани, шунингдек, давлат раҳбарининг 5 ташаббусини таълим-тарбия жараёнига сингдиришда йўл қўйилган хатоликлар кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, иштирокчилар томонидан ўқув адабиётлари, педагогик кадрлар, талабаларни туражой билан қамраб олиш ва олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга киритилиши кўрсаткичи пастлиги ҳамда соҳада юзага келаётган қонунбузилиш ҳолатлари чуқур таҳлил қилинди.

Мажлисда кўтарилган масалалар бўйича масъуллар тушунтиришлари эшитилди ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

Якунда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, иш берувчилар вакиллари, касаба уюшмалари фаоллари билан бевосита очиқ мулоқот ва жамоатчилик эшитуви шаклида "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзуида онлайн давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ҳамда идоралар вакиллари касаба уюшмалари фаоллари билан мулоқотга таклиф этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари давлат ва иш берувчилар билан ўз муносабатларини анъанавий тарзда ижтимоий шериклик асосида амалга ошириб келмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020 — 2022 йиллар учун имзоланган Бош келишувнинг нуфузи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакат миқёсида амал қилаётган тармоқ ва ҳудудий келишувлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаби асосида зарур тадбирлар билан бойитиш, ижтимоий таркибини кенгайтириш, бу орқали турли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимларга қулай иш ҳамда дам олиш шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамоа-шартномавий ҳужжатлар воситасида ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлигини таъминлаш, кексалар, аёллар ва ёшлар учун имтиёзлар тизимини жорий этиш, коронавирус пандемияси даврида ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя қилиш масалалари ҳал этилмоқда.

Шунингдек, меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаҳодатлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, зарарли меҳнат шароитлари учун имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада айни кунда амал қилаётган 14 та ҳудудий келишув, 105 та тармоқ, 14 та ҳудудий тармоқ, 340 та туман миқёсидаги тармоқ келишуви, 109 мингдан ортиқ жамоа шартномалари меҳнат муносабатларини самарали тартибга солиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ходимлар учун кўплаб имтиёз ва кафолатлар яратиб беришга хизмат қилмоқда ҳамда меҳнат жамоаларидаги барқарорликни сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшяпти.

Бундан ташқари, охирги йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг 4 та конвенцияси ва 1 та баёни амалиётга имплементация қилингани, янги таҳрирдаги "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонун ҳаётга жорий этилгани давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги долзарб вазифалар ечимини топишда касаба уюшмаларининг ролини кучайтирди.

Жорий — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида ҳам ижтимоий соҳадаги қатор масалалар ўз ечимини топди. Хусусан, коронавирус пандемияси давом этиб турган даврда касаба уюшмалари 5 миллион нафардан зиёд турли касб эгаларининг меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга 100 минглаб кам таъминланган оилалар муаммоларини аниқлаб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатди.

Рақамларга мурожаат этсак, 2021 йил давомида касаба уюшмалари органларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 4,5 мингдан ортиқ мурожаатларнинг кўриб чиқилиши натижасида 3 мингга яқин шахсларнинг ҳуқуқлари тикланиб, етказилган зарар учун ходимлар фойдасига 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириб берилишига эришилди.

Яна бир муҳим жиҳат, жорий йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-конвенцияси ратификация қилинди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш соҳасида салмоқли ислоҳотлар олиб борилаётир. Амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилди. Яъни "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари", "меҳр дафтари", маҳаллабай ишлаш усуллари амалиётга жорий этилиб, ижтимоий ҳимояталаб оилалар турмуш даражасини ошириш мақсадида салмоқли амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Жамоатчилик эшитуви шаклида ўтказилган давра суҳбатида меҳнат соҳасида келгуси йилда амалга оширилиши кўзда тутилган қатор ижобий ўзгаришлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Келгусида кун тартибидаги масалаларни давлат органлари ва касаба уюшмаларининг ҳамкорлигида ҳал этиш борасида ташкилий чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида келишиб олинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

БУХОРОНИНГ УЧ ТУМАНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги "Хожа Якшаба", Шофиркон туманидаги "Қалмақон" ҳамда Қоракўл туманидаги "Хўжалар" маҳалла фуқаролар йиғинларида Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази очилди.

Интилиш

Бу масканлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси шерикчилигида "COVID-19 пандемиясидан зарар кўрган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ўз фаолиятини бошлади.

Ушбу марказларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, "темир дафтар", "аёллар дафтари"га киритилган опа-сингилларимизга тикувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, уй ҳамширалиги ҳамда IT-компьютер саводхонлиги йўналишларида касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг тадбиркорлик ва бухгалтерия ҳисоб-китоби бўйича салоҳиятини ошириш кўзда тутилган.

Муҳими, касбга ўқитиш йўналишлари ҳар бир туман ва маҳалланинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда танланган.

Ҳамкорлик лойиҳасига тўхталадиган бўлсак, у янги босқичга кўтарилди. Корея ҳукумати томонидан KOICA-нинг коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури доирасида 2021 йил учун умумий қиймати 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. KOICA ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида аҳдлашув меморандуми имзоланди. Ушбу дастурнинг "Аҳолининг заиф қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш" қисми бўйича ҳам Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан қиймати 400 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа келишувига эришилди.

Унга кўра, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, аёлларни касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш устувор мақсад қилиб олинган. Шу ниятни рўёбга чиқариш учун вазирлик ва Хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг Бухоро вилояти ҳудудий бўлими билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Юқоридаги уч маҳаллада очилган марказлар шунинг натижасидир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон

Сўнгги беш йил давомида фаол олиб борилаётган мутлақо янги форматдаги ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. Икки давлат етакчиларининг мунтазам мулоқоти натижасида эришилган ўзаро муносабатлар динамикаси мамлакатимиз ташқи ишлар вазири бошчилигидаги делегациянинг ташрифи муносабати билан шу кунларда Нью-Деҳли шаҳрида муҳокама қилинди. Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари билан бўлиб ўтган "Ҳиндистон — Марказий Осиё" форматидаги учрашувда икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари, шунингдек, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сиёсат, иқтисодиёт, рақамлаштириш ҳамда маданий-гуманитар йўналишлардаги алоқалар кўриб чиқилди.

ЯНГИ ДУНЁ ТАРТИБИ ВА ҲИНДИСТОН

Ҳиндистон келажак учун қандай режалар ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаб олгани ҳақида ҳамкорликда тайёрланган материалимиз орқали яқиндан танишасиз.

COVID-19 вируси тарқалиши жараёни сустлашиб борар экан, пандемиядан кейинги асоратлар пайдо бўла бошлайди. Улар ривожланаётган дунё тартибининг асосини ташкил этувчи ўсиб бораётган тушунчалар ва келишувлар тўплами асосида ётади.

Умуман олганда, ҳар қандай пасайиш ортидан ўсиш ҳам юзага келади. Ҳиндистон иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолликнинг ошиши билан қайта тиклана бошлади. Мисли кўрилмаган ҳажм ҳамда мураккабликдаги эмлаш дастури рекорд вақт ичида соғлиқ хавфсизлигини яхшилаб, заифликларни камайтирди. Бу

босқичда нормал ҳолатга қайтиш ҳамда бир қатор бошқа мақсадлар кўзланган эди.

Демак, бу — имкониятлар лаҳзасидир. Ҳиндистоннинг бугунги танловлари у порлоқ келажакни қандай тасаввур қилишидан далолат беради.

Пандемия бизга кам эмас, балки янада кўпроқ ўзаро боғланган дунё кераклигини кўрсатди. Умумий муаммолар умумий ечимларга эга бўлиши керак. Бош вазир Нарендра Моди сўнгги бир неча ой ичида "G7", "G20", "COP 26"да, биринчи "Quad" саммитида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг раиси сифатида иштироки давомида, БРИКС ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти таркибидаги Ҳукумат раҳбарларининг кенгаши учрашувида пандемиядан кейинги дунё муаммоларига мос келадиган янги дунё тартиби ҳақидаги тасаввурини ифода этди.

Шунингдек, у маҳаллий ва халқаро платформалар орқали Ҳиндистон устуворликларини ҳамма учун яхшироқ эртанги кунга мослаштирадиган бир қатор стратегия ва мақсадларни белгилаб берди.

Ҳиндистон бошқарувни ўз қўлига олиш ва йўналишни таъминлаш учун ҳаракат қилган асосий глобал муаммо, бу — иқлим ўзгариши. Ривожланиш эҳтиёжларига қарамай, биз иқлим ҳаракати бўйича қатъий содиқлигимизни кўрсатдик.

Яқинда Глазгодаги "COP 26" саммитида сўзга чиққан Бош вазир "Панчамрита" орқали Ҳиндистоннинг иқлим билан боғлиқ бўлган мақсад ва ҳаракатларини айтиб ўтди, бу эса Ҳиндистоннинг қазиб олинадиган ёқилғига асосланган энергия қувватини 500 ГВтга ошириш ҳамда энергияга бўлган эҳтиёжимизнинг 50 фоизини 2030 йилгача қайта тикланадиган манбалардан қондириш борасидаги жараённи тезлаштиради.

Шунингдек, 2030 йилгача прогноз қилинган углерод чиқиндиларини бир миллиард тоннага камайтириш ва углерод интенсивлигини 45 фоиздан пастга тушириш ҳамда 2070 йилга бориб "бутунлай нолга" тенглаштиришни мақсад қилади. Ривожланаётган дунёнинг хавотирларини ифода этган Бош вазир, шунингдек, ривожланган мамлакатларни иқлимни молиялаштириш ва арзон нархлардаги технологиялар бўйича ўз амбицияларини кучайтиришга чақирди.

Икки халқаро ташкилот, Ҳиндистон ташаббуси билан ташкил этилган "Халқаро Қуёш альянси" ва "Табиий офатларга чидамли инфратузилма коалицияси" глобал миқёсда иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш саъй-ҳаракатларида муҳим роль ўйнай бошлади. "COP 26"да Бош вазир глобал миқёсда ўзаро боғланган қуёш энергияси инфратузилмаси учун "Бир қуёш, бир дунё, битта тармоқ" дастурини ва ривожланаётган кичик ороллардаги иқлим ва офатларга чидамли инфратузилма учун "Бардошли орол давлатлари учун инфратузилма" дастурини ишга туширди.



Ҳиндистон, шунингдек, водород бўйича миллий миссияси доирасида тоза — "яшил" водород ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш учун глобал марказга айланишга интилмоқда.

Бош вазирнинг иқлим ўзгариши билан курашиш учун барқарор турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳақидаги мурожаати Римдаги "G20" саммитида муҳокама қилинди. Унда "Бир сўзли ҳаракат"ни, яъни ҳаёт ёки атроф-муҳит учун янги турмуш тарзини таклиф қилди. Ҳиндистоннинг ўзига хос барқарор турмуш тарзи намунасини глобал асосда қабул қилиш иқлим ўзгаришига қарши курашимизда муҳим роль ўйнайди.

Пандемия таъминот занжирларидаги хавф-хатарни йўқотиш ва уларни янада чидамли қилиш зарурлигини кўрсатди. Бош вазир таъминот занжирларимизни яхшилаш учун учта асосий омилни таъкидлади: ишончли манба, шаффофлик ва аниқ вақт оралиғи.

"Атманирбҳар Бҳарат Абҳиян" чидамлилик ва ишончлиликни биринчи ўринга қўяди ҳамда Ҳиндистонни ишончли таъминот занжири марказига айлантирмоқчи. Бу — фискал ва пул-кредит билан қўллаб-қувватлаш, ликвидликни назорат қилиш, саноатни молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес юритишда қулайлик яратиш ҳамда улкан таркибий ислоҳотлар орқали салоҳиятни оширишга қаратилган кенгроқ сиёсат доирасининг бир қисмидир.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ рағбатлантиришнинг муҳим чизмаси инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва глобал миқёсда рақобатбардош Ҳиндистон корхоналарини яратишдир. Илгариги коинот, мудофаа ҳамда атом энергетикаси каби чекланган секторлар кўпроқ хусусий иштирок этиш учун очилди.

Миллий таълим сиёсати XXI аср ишчи кучини ўқитиш ва Ҳиндистонни глобал таълим ҳамда малака марказига айлантириш учун асос яратди.

Ҳиндистон ҳам инфратузилмасини яхшилаш учун катта давлат сармояларини киритмоқда. Бош вазирнинг "Гати Шакти" — Кўп модали уланишнинг миллий бош режаси — узлуксиз боғланган Ҳиндистонни яратишга мўлжалланган. У уланишга ноаниқ ёндашувни жорий қилади ва ижро этувчи ҳамда сиёсат юритувчи субъектларни умумий платформага олиб келади.

Жисмоний инфратузилмани яхшилаш рақамли уланиш, молиявий инклюзия ва иммунизация каби ташаббуслар орқали Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эътибор қаратиш билан бирга бўлади. "Жан Дан", дунёдаги энг йирик молиявий инклюзивлик дастури; "Аадҳар", дунёдаги энг йирик биометрик дастур; ва дунёдаги энг йирик мобиль телефон тармоқларининг биридан ташкил топган "ЖАМ" учлиги трансформацион миқёсда тўғридан-тўғри имтиёзларни ўтказиш имкониятини яратди.

Энди у финтек инқилобини кучайтирмоқда. "Жал Жееван" ҳамда "Аюшман Бҳарат" мос равишда барча ҳиндларнинг тоза сув таъминоти ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш орқали ҳаётни ўзгартирмоқда.

"БРМ 3" барчамизни соғлом ҳаётни таъминлаш ва барча ёшдагилар учун фаровонликни рағбатлантириш мақсадини кўяди. "G20" саммитида Бош вазир бутун дунё учун "Бир сайёра — бир саломатлик" борасида ўз қарашларини илгари сурди.

Пандемия халқаро тизимларни рақамли маконга ўтказди. "Co-Win" портал орқали дунёдаги энг шиддатли эмлаш операцияларидан бирини фойдаланувчиларга қулай, шаффоф, адолатли ва самарали тарзда бошқарилганлиги; "Рақамли Ҳиндистон" ташаббуси; рақамли тўлов ечимлари; "24*7 BPO" ва "ITES" саноати билан Ҳиндистон рақамли ривожланишга мослашди ва бунда давом этмоқда.

"G20" саммитида сўзлаган Бош вазир Ҳиндистон кўплаб ривожланиш муаммолари учун улкан ечимларни маъқуллаганига эътибор қаратди. Бу ривожланишнинг исботланган асосидир. Шунингдек, у "Жануб — Жануб тараққиёти ҳамкорлиги" бўйича катта тажрибага эга ва бошқа ривожланаётган мамлакатларга кўплаб шаблонларни таклиф қилиши мумкин. Аввалроқ, "G7" саммитида Бош вазир Ҳиндистоннинг очиқ манбали рақамли ечимларидан ҳамма фойдаланиши мумкинлигини эълон қилган эди.

Пандемиянинг энг даҳшатли кунларида ҳам Ҳиндистон халқаро ҳамжамиятнинг бир қисми эканлигини унутмади. У 150 дан ортиқ мамлакатларга зарур дори-дармонларни етказиб бериш учун ўз ички режаларидан четга чиқди. Эвазига эса, "иккинчи тўлқин" даврида барча уни қўллаб-қувватлади. Мамлакатда муваффақиятли эмлаш дастурини олиб борар экан, Ҳиндистон ҳам қўшнилари ва ҳамкорларига вакциналарни экспорт қилишни қайтадан бошлади.

Қисқача айтганда, ушбу орқали Ҳиндистон эртанги куннинг қийинчиликларига дош бера оладиган янги дунё тартибини яратишда асосий ва конструктив иштирокчи сифатида ҳаракат қилмоқда. Бу эса соф иқтисодий нуқтаи назар билангина чекланиб қолмайдиган ва инсон ҳамда унинг фаровонлигини якуний мақсад қилиб қўядиган дунё тартибидир.

Ҳарш Вардхан ШРИНГЛА,
Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари.

(Билдирилган фикрлар шахсийдир).

Реклама ўрнида

ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

2022 йил давомида Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасининг лойиҳа, кузатув ва жорий таъмирлаш-тиклаш тадбирларида иштирок этиш истаги бор бўлган корхона, ташкилотлар мутасаддилари махсус рухсатнома расмийлаштиришлари учун биометрик паспортга эга ишчи-хизматчилар, машина-механизмлар, материаллар ва керакли асбоб-ускуналарнинг минимал рўйхатини 2022 йилнинг 10 январигача (электрон варианти билан бирга) тақдим этишлари мумкин.

2022 йил давомида Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармасининг лойиҳа, кузатув ва жорий таъмирлаш-тиклаш тадбирларини «dxarid.uzex.uz» сайтида кузатиб боришлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, Питнак шаҳри.
Телефонлар: (0-362) 305-49-06, (0-362) 305-47-79. Факс: (0-362) 305-49-06.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 30 декабрь

САНОАТЛАШГАН ЎЗБЕКИСТОН — УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

ЯНГИ МЕГА-ЛОЙИҲАЛАР ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА УЛКАН ҚАДАМДИР.

1 Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштираётган, унинг сурату сийратини юксалтираётган ислоҳотларни номма-ном, навбатма-навбат санасак, узоқ давом эттириш, ҳатто достон ёзиш мумкин. Шу боис мухтасар таҳлилимизда шу кеча-кундузда ҳаётимизда рўй бериб, юртдошларимиз қалбини чексиз қувонч ва ҳаяжонга солган, келажакка ишончини янада мустаҳкамлаган воқеликларга эътибор қаратамиз.

Бу ҳақда сўз борганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 25 декабрь куни очилган — асрларга татигулик бунёдкорлик лойиҳаларидан бири, чўл бағрида қад ростлаган ўта замонавий “Uzbekistan GTL” заводи ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мега-корхонанинг очилиш маросимидаги нутқини тинглар экансан, беихтиёр шундай улкан иншоот ҳақида нафақат гапириш, балки орзу қилиш ҳам қийин бўлган яқин ўтмишни эслайсан, киши.

Хом ашё базаси бўлган аграр ўлка

Собиқ иттифоқ таркибида Ўзбекистон айнан ана шундай таърифга мос бўлган. Деярли барча ҳосилдор, ҳатто ҳосил бермайдиган ерларга ҳам фақат пахта экилар эди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган миллионлаб қишлоқ аҳолисигина эмас, балки шаҳарликлар — завод ва фабрикаларнинг ишчи-хизматчилари, талабалар, юқори синф ўқувчилари ҳам пахтани йиғиб-териб олишар, кейин эса у хом ашё сифатида бошқа республикалар ва хорижий мамлакатларга қайта ишлаш учун жўнатиларди. Мамлакатимиздаги бир нечта йирик комбинатларнинг маҳсулоти ҳам экспортга йўналтирилар эди. Ҳа, шундай. “Оқ олтин” деб чиройли ном олган экин Ўзбекистонни ҳам, унинг аҳолисини ҳам олтинга буркамади.

Донғи оламга кетган ўзбек мева-сабзавотлари, узуми, қовун-тарвузлари-чи? Улар ҳам республикадан четга юборилади. Саховатли еримизнинг туҳфаси ортилган самолёту поездлар Узоқ Шарққа, Сибирга қараб йўл олар эди. Ўзбекистоннинг бағрикенг халқи ана шундай саломатлик учун кони фойда бўлган маҳсулотлар билан шимолликлар, Сибирь ва Узоқ Шарқ аҳолисини таъминлар эди. Эвазига-чи? Статистик маълумотларга эътибор қилсак, республикада мева-сабзавотлар истеъмоли бошқалардагига нисбатан анча кам бўлган экан...

Ўзбекистонда табиий газнинг йирик захиралари топилиб, уни қазиб олиш бошлангач, биринчи галда маҳаллий аҳоли, шаҳару қишлоқларни газ билан таъминлаш эмас, аксинча, бошқа минтақаларга жўнатиш ҳақида ўйланди. Ўзбекистоннинг Газли шаҳридан бошланувчи “Бухоро — Урал” магистраль газ тармоғи орқали у шимолга, саноат шаҳарларига, жумладан, металлургияни ривожлантириш учун йўналтирилди.

Ўзбекистонда қазиб олинган олтин қуймалари-чи? Улар қайси омборларда “йиғилди”? Буни саноқли масъуллар билишарди, холос. Биз эса ушбу қимматбаҳо металл республикамиз хазинасида тўпланмасди, деб айта олардик фақат.

Мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Моҳияти эса аниқ. Собиқ иттифоқда барча масалалар ўша маълуму машҳур “марказ”да ҳал этилар, Ўзбекистон зиммасига фақат пахта, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё етказиб бериш юклатилган эди. Юртимизда қурилган саноат корхоналари-чи, улар ё қишлоқ хўжалик секторини таъминлаш, ё хом ашёни бирламчи қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, бошқа республикалардан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналарга шунчалик қарам эдики, собиқ иттифоқ парчаланиши, хўжалик алоқалари узилиши билан кўплари фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишди. Буни қарангки, гўё республика ва унинг аҳолиси нималарга муҳтожлик сезиши, бу ерга қанақа ва қанча маҳсулот юбориш кераклигини аллақандай “марказ”дагилар яхшироқ билишар эмиш... Натижаси эса маълум. Саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва аҳолини таъминлаш бўйича Ўзбекистон 15 та республиканинг охирги қаторига тушиб қолди.

Ўтмишга айланган бу даврга назар солиш бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган, Ўзбекистоннинг индустриал тараққиётини белгиловчи лойиҳаларнинг моҳиятини англашимиз учун жуда муҳимдир. Уларсиз эса стратегик мақсадимиз — Ўзбекистоннинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кириши ва бу орқали халқимиз турмуш даражасининг кўтарилишига эришиб бўлмайди.

Мамлакатимиз саноатида яна бир ёрқин саҳифа

Бугунги кунда муҳим қарорлар аввалгидек қаердадир, кимлардир томонидан эмас, балки янги Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қабул қилинмоқда. Бунда ҳар бир йирик лойиҳа унинг самарадорлиги, мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётидаги аҳамияти ва мавжуд салоҳиятдан фойдаланиб замонавий технологияларни жалб этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда. Ана шундай лойиҳаларни рўёбга чиқариш жуда катта маблағ ва воситаларни талаб қилувчи мураккаб вазифадир.

Президентимиз “Uzbekistan GTL” заводининг очилишидаги нутқида шулар ҳақида сўз юритди. Йиғилганлар давлат раҳбари келтириб ўтган ҳар бир рақам ва далил ортида рўёбга чиқарилган лойиҳанинг кўлами ҳамда аҳамиятини ҳис этиб туришди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистонни GTL-технологияси асосида қурилган шундай мажмуалари бўлган мамлакатлар сафига киритди, бундайлар эса — бир қўл бармоқлари билан санарли даражада. Табиийки, оламшумул воқеа халқаро миқёсда ҳам сезилмай қолмади. Буни қисқа вақт ичида хорижий оммавий ахборот воситаларида узатилган материаллар ҳам тасдиқлайди.

Буюк Британиянинг энергетика соҳасидаги “Energy Intelligence” нашриёти гуруҳига кирувчи “Nefte Compass” нашри бош муҳаррири Майкл Ричи Ўзбекистонни суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Uzbekistan GTL” заводи очилгани билан самимий табриклади ва бу бутун дунёдан турли компаниялар ҳамда пудратчилар қатнашган энг замонавий корхона бунёд этиш бўйича амалга оширилган улкан ишларнинг ажойиб натижаси бўлди, деб таъкидлади. Унинг фикрича, “Uzbekistan GTL” заводи республиканинг янги саноат марказига айланади.

Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари бўйича покистонлик эксперт Маҳмуд ул-Ҳасан Хан эътироф этишича, Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги остида кенг кўламли, лекин “яшил саноатлаштириш” бўйича тўғри йўлдан бормоқда. “Uzbekistan GTL” заводи юртимизнинг миллий иқтисодиётига яна бир беқиёс қўшимча бўлиб, у республиканинг энергия ишлаб чиқариш, турли хилдаги кимёвий маҳсулотлар тайёрлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасидаги мустақиллигини янада оширади. “Uzbekistan GTL” ушбу турдаги заводларнинг дунё бўйича бешинчиси эканлиги ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳанинг аҳамияти ва кўламини тасдиқлайди. Бу чиндан ҳам жадал иқтисодий тараққиёт сари қўйилган улкан қадамдир.

Туркияда эса Ўзбекистонда янги “Uzbekistan GTL” заводининг ишга туширилгани ҳақида биринчилардан бўлиб “The Asia Today International” таҳлилий портали ҳамда Анқарадаги “ANKASAM” Инқирозлар ва сиёсатни ўрганиш маркази хабар берди.

Ўзбекистон учун жуда муҳим бу воқеани, шунингдек, испан тилида чиқадиган етакчи онлайн-нашр “El Mundo Financiero”, бошқа бир қатор мамлакатларнинг ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари кенг ёритди.

Заводда Япония, Корея Республикаси, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Хитой каби 24 та давлатдаги 130 га яқин етакчи корхоналарда тайёрланган 10 мингдан зиёд ускуналар ўрнатилган бўлиб, технологик ечимлар, ускуна ва жараёнларни қўллаш учун 140 та халқаро лицензия ва патентлар олинган, уларнинг аксарияти эса дунёда ягона ва ноёб. Шуларнинг барчаси катта таассурот уйғотмай қолмайди, албатта. Рақамлар ортида бўлса, юзлаб учрашув ва музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш, шунингдек, иншоотлар ва инфратузилманинг қурилиши, ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотни ташиш, технологик жиҳозларни монтаж қилиш сингари жуда кўп масалаларни ҳал этиш ётибди. Бир неча етказиб берувчилар билан келишиб ишлашнинг ўзиёқ мутахассисларимиз ва шериклар томонидан бажарилган юмушларнинг нечоғли мураккаблигини кўрсатиб турибди.

Мазкур ноёб лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимизга нималар беришининг аҳамиятини баҳолаш қийин. Мажмуада йилига 3,6 миллиард кубометр табиий газ қайта ишланиб, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,5 миллион тонна тайёр суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулот ҳисобига, йилига 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади ва экспортдан 200 миллион доллар фойда олинади.

Завод ишлаб чиқарадиган талабгир маҳсулот, унинг энг юқори халқаро экологик талаблар, меъёр ва стандартларга мослиги ҳақида, лойиҳани амалга оширишда қўлланилган инновацион ечимлар ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг: “300 миллион долларлик газни қайта ишлаб, уни қиймати 3 баробар юқори ва дунё бозорида талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларга айлантирамиз”, деган сўзларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўринда гап чуқур қайта ишлаш орқали она заминимиз қаъридаги бойликлардан янада самарали фойдаланиш мумкинлиги ҳақида кетаётир.

Маросим доирасида яна бир корхона — Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини 3 баробарга кенгайтириш бўйича лойиҳа қурилишига ҳам старт берилди. Бу лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 800 миллион доллар бўлиб, “Uzbekistan GTL” заводи ёнида қурилади. Унда 430 минг тонна нафтани қайта ишлаш ҳисобига йилига 380 минг тонна полиэтилен ва полипропилен тайёрланади. 100 миллион долларлик полимерлардан электротехника, қурилиш материаллари, автомобиль саноати ва бошқа соҳаларда йилига қўшимча 200 миллион долларлик харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, пластмасса ва ҳар хил турдаги қадоқлаш буюмлари, сув таъминоти учун қувурлар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Президентимиз қайд этганидек, иккита янги завод ҳисобидан Шўртан мажмуаси доирасида юртимиздаги биринчи йирик газ-кимё кластерига асос солинади. Бу кластерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 290 миллион доллардан 2025 йилда 1,8 миллиард долларга етказилади. Яъни, 6 баробарга ошади. Табиий газни чуқур қайта ишлаш кўрсаткичи деярли икки бараварга ортиб, ҳозирги 8 фоиз ўрнига 14 фоизга етади. Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилаётган полимер маҳсулотлар ҳажми икки бараварга ортади. Ушбу кластер тизимидаги корхоналар 1 долларлик хом ашёдан 10 долларлик юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар яратади. Фарқини эса ўзингиз солиштириб кўраверинг.

Давлат раҳбари таъкидлашича, “хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача” занжири доирасида юқори қийматли товарларни ишлаб чиқариш бўйича Тошкент, Навоий, Фарғона, Бухоро вилоятларида ва Устюртда яна 5 та кимё технологик кластери ташкил этилади. Мазкур кластерларда келгуси йилларда умумий қиймати 8 миллиард доллар бўлган 60 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар ҳисобидан йилига 180 турдаги 5 миллиард долларлик юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, 1,2 миллиард долларлик маҳсулот экспорти ҳамда 5,5 триллион сўмлик бюджет тушумлари таъминланади. Энг муҳими, қўшимча 15 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг яна бир “драйвер”и бўлади.

Шундай муҳим, тарихий ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиш жуда марокли. Ўз навбатида, маросим иштирокчиси бўлиш насиб этган ҳар бир киши узоқ вақт ёқимли таассуротлар оғушида юриши, шубҳасиз.

Иқтисодиётимиз катализатори

Президент мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, маҳаллий хом ашёдан кенгроқ фойдаланиб, уни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва шу тариқа юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақида кўп гапиради.

Шу йўналиш тўғрисида сўз кетар экан, айниқса, тўқимачилик саноатини ёдга оламиз. Кейинги йилларда ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта хом ашёси деярли тўлиғича республикамизнинг ўзида қайта ишланмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, калава ип, матолар ва тайёр кийим-кечакларни экспорт қилишдан олинаётган даромад, қачонлардир пахта толасини четга сотишдан олинган фойдадан анча кўп бўляпти.

Тоғ-кон саноатида эса маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳақида камроқ гапирилади. Аслида-чи, унда ҳам имкониятлар бор.

Қашқадарёга сафаридан олдин давлатимиз раҳбари Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги йирик саноат лойиҳалари билан танишди. ОКМК энг йирик корхоналардан бири сифатида мамлакатимиз иқтисодиётининг дадил илдамлашини таъминловчи, ишлаб чиқариш тармоқларини ўзаро боғловчи ва фаолиятининг янада кучайишига хизмат қилувчи бебаҳо саноат объектидир, десак, хато эмас. Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 7 фоизи ва экспортнинг 15 фоизи айнан шу комбинат ҳиссасига тўғри келади. Аммо унинг салоҳияти бундан ҳам юқори. Уни рўёбга чиқаришда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш бўйича мега-лойиҳа муҳим ўрин тутади. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу кон — катализатор. Конда олтин, мис, молибден, селен каби ўндан ортиқ нодир металлар қазиб олинади. Лойиҳа айни вақтда рўёбга чиқарилмоқда, лекин натижалари ҳозирданоқ аёнлашмоқда.

Лойиҳанинг кўлами ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун кон майдони 11 минг гектарни эгаллашини эслаш кифоя. Бу ерда, шунингдек, тегишли инфратузилма ва бир нечта иншоотлар барпо этилмоқда. Улар орасида ОКМКнинг 3-мис бойитиш фабрикаси ҳам бор.

Буларнинг барчаси комбинат қувватини оширишга қаратилган. ОКМКнинг мис ресурслари 45 миллион тоннани, олтин ресурслари эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этади. Шу боис 2030 йилга бориб, мис ишлаб чиқариш ҳажмини 515 минг тоннага, олтинни 52 тоннага, кумушни 343 тоннага олиб чиқиш бўйича концепция тайёрланган. Унинг эвазига комбинатнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Лекин рудани қайта ишлашни кўпайтириш, мис ишлаб чиқариш билан бир қаторда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни тайёрлаш ҳам муҳимдир.

Шу боис соҳа учун ҳам, бутун иқтисодиёт учун ҳам жуда долзарб ҳисобланган мис саноати кластерини яратишга қарор қилинди. Кластер ва бошқа корхоналар меҳнаткашлари олдидаги асосий вазифа эса катод мисини қайта ишлаш кўрсаткичини 80 фоизга етказишдан иборат.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси мис қувурлар, сим ва талаб катта бўлган бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали қайта ишлашни чуқурлаштириш билан шуғулланмоқда. Лекин, таъбир жоиз бўлса, бу ҳали катта ишларнинг бошланиши. Ҳозирданоқ мисни қайта ишлаш, жумладан, электротехника, энергетика, автомобиль саноати учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 20 дан ортиқ лойиҳалар шакллантирилган.

Ушбу йўналишдаги ишларга хорижий ҳамкорлар ҳам жалб этилмоқда. Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи чоғида Тошкент вилоятида Яримўтказгичлар ва электроника кластерини ташкил қилишга келишилган эди. Яқинда ОКМК раҳбарияти ва Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тузилаётган мис кластерига немис инвестиция ва технологияларини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди ҳамда комбинатда ишлаб чиқилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун Германия компанияларини жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам мақсадли, изчил ишлар олиб борилмоқда. Замонавий технологиялар асосида хом ашё базасини яратишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни қамраб олувчи мажмуалар ташкил этиш тажрибада оқланди, амалга киритилди ва ўзининг самарадорлигини исботламоқда.

Умид, ишонч ва бунёдкорлик руҳи

Албатта, давлат иқтисодиётга боғлиқ ва бу — тараққиётнинг энг муҳим асосларидан бири. Лекин мамлакат фақат иқтисодиёт билан “тирик” эмас-да. Шу боис Президентимиз вилоятларда бўлар экан, одамлар билан учрашганда ёшлар, уларнинг ўқиш ва иш шароитлари билан танишишга ҳам алоҳида эътибор беради. Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган бир даврда мамлакат ривожининг янги сифат босқичига чиқишини янги ғояларни тез идрок этиб, кўпроқ ташаббус кўрсатадиган, ҳар томонлама баркамол йигит-қизларсиз тасаввур қилиш қийин.

Жумладан, Олмалиқ шаҳар 20-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида бўлиб ўтган ўқувчилар билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев:

— Ҳар дақиқа — бойлик. Бу бойликдан фойдаланиб, чуқур билим олишингиз керак. Мана, Олмалиқ комбинатининг қувватини оширяпмиз, янги фабрикалар қуряпмиз. Уларда ким ишлайди? Сизлар! Ҳамма ислоҳотларимизнинг асоси, ишончи — билимли ёшлар, — деб таъкидлади.

Кейинчалик Қашқадарёда ҳам давлат раҳбари бу ерда янги қувватларнинг ишга туширилиши қурувчи ва муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш ҳамда уларнинг энг янги технологияларни ўзлаштириши учун шароитлар яратганига эътибор қаратди. Бундай тажриба, ҳеч шубҳасиз, мамлакатда янги саноат объектларини ўз кучимиз билан барпо этишда, албатта, жуда керак бўлишини айтиб ўтди.

Завод қурилишида қатнашган мутахассисларнинг қарийб 80 фоизи ўзимизнинг маҳаллий кадрлар, янгича ишлашга чанқоқ ёшлар эканлиги Президентни ниҳоятда қувонтирди.

— Бу ёшлар — Янги Ўзбекистон ёшлари. Улар миллий саноатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб, бу йўлда “олтин фонд”имизга айланади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун эса барча зарур шароитларни яратиш мўлжалланган. Масалан, вилоятдаги касбий таълим марказлари Шўртан газ-кимё мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва янги “Uzbekistan GTL” заводига бириктириб берилади. Бу корхоналар ўз соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитларни яратади. Шундай қилиб, бошқа йирик корхоналар ҳам ёшларга амалий билим ва кўникмаларни бериш жараёнига жалб этилади. Уларнинг раҳбарлари замон талабидан келиб чиққан ҳолда, саноатнинг тегишли йўналишлари учун керакли мутахассисларни тайёрлаш юзасидан режалар ишлаб чиқади ва аниқлаштиради. Шунингдек, касб-ҳунар таълими марказларидаги ўқув дастурлари ва услубиётини кўриб чиқади, ўқувчиларнинг ихтисослиги бўйича амалиётини бевосита корхоналарда ташкил этади, бунда ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги таъминланади. Ёшларнинг янги, мураккаб асбоб-ускуналар, жиҳозларда ишлаши орқали замонавий касб-ҳунар ва кўникмаларни эгаллашига алоҳида эътибор қаратилади. Таълим жараёнига хорижлик мутахассислар ҳам жалб этилиб, замонавий дастурий маҳсулотлар ва симуляторлар келтирилади.

Ҳа, ишлаб чиқаришдаги янги технология ва ечимлар келажакда йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширувчи, замонавий дастгоҳларда ишлайдиган ва ислоҳотларни рўёбга чиқарадиган йигит-қизларнинг касбий тайёргарлиги борасида янгича ёндашувларни талаб этади. Миллий иқтисодиётимиз реал секторининг келгусидаги истиқболи ҳам бу тайёргарликнинг сифати, даражасига боғлиқ. Шунда “Ўзбекистон — аграр мамлакат”, деган “қолип”дан воз кечиб, нафақат қишлоқ хўжалиги, балки индустриал жиҳатдан ҳам тараққий этган давлатлар қаторига кира оламиз.

Зотан, учинчи Ренессанс орзуси иқтисодиёти ҳам, инсон ресурси ҳам юксак даражада тараққий этган, саноат, қурилиш, маданият, санъат, маънавият ва бошқа ҳар қандай соҳада юқори салоҳиятни намоён эта оладиган, халқи фаровон ва бахтли, шу билан бирга, эртанги кунга умид, ишонч ва бунёдкорлик руҳи билан яшайдиган мамлакатдагина рўёбга чиқади.

Ўткир РАҲМАТ.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6